

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ
ИНСТИТУТИ БУХОРО ФИЛИАЛИ**

“Ер тузиш ва ер кадастри” кафедраси

Ҳимояга қўйилсин:

**“Ер тузиш ва ер кадастри” кафедраси
_____мудири .в.б. С.Асатов**

“_____” _____2014

Бакалавр даражасини олиш учун

***БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ***

**Мавзу. “Бухоро вилояти Жондор туманидаги Варахшо
массиви ҳудудидан ичимлик суви тармоқлари қурилишига ер
ажратиш лойиҳаси” мавзусида**

БМИни бажарувчи:

А.Очилов

БМИ раҳбари

катта ўқитувчи Ф.Ҳамидов.

Бухоро -2014

МУНДАРИЖА

Т/р	Битирув малакавий иши бўлимлари номи	варақлар
1	Битирув малакавий ишини бажариш учун топшириқ	
2	Битирув малакавий иши дастури	
3	Кириш	
4	1-БОБ. Массив жойлашган ҳудуднинг табiiй, ижтимоий ва иқтисодий шароитлари тавсифи	
5	2-БОБ. Ичимлик суви тармоқлари қурилишига ер ажратиш лойиҳаси.	
6	3-БОБ Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш	
7	Хулоса	
8	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	
9	Иловалар	

Тошкент Ирригация ва мелиорация институти
Бухоро филиали

Гидромелиорация факултети
Ер тузиш ва ер кадастри кафедраси
Ер тузиш ва ер кадастри йўналиши

Тасдиқлайман: _____
Кафедра мудири _____
“ ____ ” _____ 2013 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба: **Очилов Аскар Боймуродович**

1. Битирув ишининг мавзуси : ***“Бухоро вилояти Жондор туманидаги Варахшо массиви ҳудудидан ичимлик суви тармоқлари қурилишига ер ажратилиш лойиҳаси”***

Филиал бўйича 2013 йил « 19 » 12 даги 325 А/Ф- сон буйруқ билан тасдиқланган. 30.10. 2013 йил 2 сонли кафедра мажлисида маъқулланган.

2. Битирув ишини топшириш муддати «31» 05 2014 йил .

3. Битирув ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар .
Ишлаб чиқариш амалиёти даврида йиғилган маълумотлар ва материаллар.

4. Ҳисоблаш тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати).

1. Кириш. 2. I боб. Массив жойлашган ҳудуднинг табиий, ижтимоий ва иқтисодий шароитлари тавсифи. 3. II боб. Ичимлик суви тармоқлари қурилишига ер ажратилиш лойиҳаси. 4. III боб. Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш. 5. Хулоса. 6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

5. Чизма ишлари рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади).

1. Массивнинг ер ва экин турлари жойлашиш тарҳи
2. Ичимлик суви тармоқлари қурилишига ер ажратилиш лойиҳаси” (2 ечимда)
3. Лойиҳанинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари жадвали.

6. Битирув иши бўйича маслаҳатчилар.

Т.р	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи	Имзо. Сана	
			Топшириқ	Топшириқ

			берилди	бажарилди
1	2	3	4	5
	Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари			

7. Битирув ишини бажариш режаси.

Т.р	Битирув иши босқичларининг номи	Бажариш муддати		Текширув дан ўтганлик муддати
		сана	%	
1	Топшириқ олиш ва БМИ дастурини тузиш	20.12.2013й	7,4	
2	1-БОБ. Массив жойлашган ҳудуднинг табиий, ижтимоий ва иқтисодий шароитлари тавсифи	25.12.2013й	16,7	
3	Массивнинг ер ва экин турлари жойлашиш тарҳини чизиш	19.01.2014й	29,7	
4	2-БОБ. Ичимлик суви тармоқлари қурилишига ер аж - ратиш лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2.02.2014 й	49,7	
5	Лойиҳавий чизмаларни чизиш.	23.02.2014й	73,8	
6	3-БОБ Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш	3.03.2014й	83,1	
7	Лойиҳанинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари жадвалини тузиш.	20.04.2014 й	88,7	
8	Хулоса.Фойдаланилган адабиётлар рўйхатини тузиш.	18.05.2014 й	94,3	
9	БМИни расмийлаштириш ва кафедрага топшириш.	31.05.2014 й	100	

Битирув иши раҳбари.

Ф.Ҳамидов.

Топшириқни бажаришга олдим

А.Очилов

Топшириқ берилган вақти

« _____ » _____ 2013 йил

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИИРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ
БУХОРО ФИЛИАЛИ**

Гиромелеорация факультети

**Ер тузиш ва ер кадастри кафедраси
Ер тузиш ва ер кадастри йўналиши**

Тасдиқлайман: _____

Кафедра мудири в.б.

« ____ » _____ 2014 йил

**“Бухоро вилояти Жондор туманидаги Варахшо массиви ҳудудидан
ичимлик суви тармоқлари қурилишига ер майдони ажратиш
лойиҳаси”**

**мавзусида бажариладиган малакавий битирув ишининг
ДАСТУРИ**

БМИни бажарувчи:

А.Очилов

БМИ раҳбари

Ҳамидов.Ф.

Бухоро -2013

Кириш

1. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида республикада ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.

1. Ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларини ташкил қилишда ер тузишнинг роли.

2. БМИнинг мақсади, унга қўйилган вазифалар ва асос қилиб олинган материаллар.

І боб. Массив жойлашган ҳудуднинг табиий, ижтимоий ва иқтисодий шароитлари тавсифи.

1.1. Массив тўғрисида умумий маълумотлар.

1.2. Табиий шароитлари (иқлими, рельефи, тупроқлари)

1.3. Ирригация ва мелиорация тармоқлари тавсифи.

1.4. Аҳоли яшаш жойлари тавсифи.

1.5. Ердан фойдаланиш тавсифи.

1.6. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий кўрсаткичлари.

II боб. қурилишига ер ажратиш лойиҳаси.

2.1. Ичимлик суви тармоқлари жойлашадиган жойни ва тахминий майдонини аниқлаш ва асослаш.

2.2 Ичимлик суви тармоқларига ер ажратиш ва уни ҳудудда жойлаштириш.

2.3. Ичимлик суви тармоқларига ер ажратиш ҳужжатларини расмийлаштириш.

2.4. Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари.

III боб. Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш.

3.1. Ер ажратиш натижасида қишлоқ хўжалиги кўрадиган зарар миқдори-ни аниқлаш.

3.2. Ер ажратиш натижасида ердан фойдаланувчилар кўрадиган зарарлар миқдорини аниқлаш.

3.3. Лойиҳанинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш.

3.4. Лойиҳавий тадбирларни экологик асослаш.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Иловалар

Кириш

1. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида республикамизда ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари

Республикамизда жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларинини бартараф этиш бўйича 2009-2013 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар даастури 2014-йилда ҳам ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг энг устивор йўналиши бўлиб қолади.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида қабул қилинган 5 та тамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш модели йилдан йилга ўзини оқлаб, тўғри ва аниқ эканлигини исботламоқда.

Иқтисодиётнинг мафкурадан ҳоли бўлиши, иқтисодиётни сиёсатдан устунлигида ўз ифодасини топган прагматик иқтисодий сиёсат, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини ўз зиммасига олиш, қонун устиворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойиллари дунёда авж олиб бораётган иқтисодий инқироз шароитида ўзининг долзарблигини кўрсатди.

Энг муҳим устивор вазифа қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, аҳоли пунктлариимиз, қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бири бири билан боғлиқ чора тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, тадбиркорлик ва кичик бизнесни тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб қувватлашдан иборат.

Аҳоли пунктлариимиз қиёфасини, қишлоқда ҳаёт сифатини, ишлаб чиқариш муносабатларининг мазмун моҳиятини ўзгартиришга, аграсаноат мажмуасида олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштиришга, охир оқибатда қишлоқ аҳолисининг, ижтимоий сиёсий ва маданий савиясини, онгли ва фуқоролик маъсулиятини оширишга қаратилган давлат дастурини 2009 -2014 йилларда амалга ошириш муҳим вазифадир.

2009 йилда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини янада ошириш принципиал муҳим аҳамиятга эга бўлди. Фермер хўжаликларига ажратилган ер майдонларини оптималлаштириш борасида зарур ишлар амалга оширилди. Фермер хўжаликлари бугунги кунда қишлоқда етакчи буғинга - қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланди. Ер майдонларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва фермер хўжаликлари фаолиятини танқидий баҳолаш асосида уларнинг ер майдонларини оптималлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Фермер хўжаликлари учун ажратилган ер майдонлари бугунги кунда пахтачилик ва ғаллачиликда 37 гектардан 91,7 гектарга ёки 2,5 баробардан кўпроқ ошди. Бу кўрсаткич боғдорчиликда 2,5 гектардан 13,8 гектарга ёки 5,5 баробар, чорвачиликда эса 154 гектардан 164,5 гектаргача кўпайди.

Аҳолига хизмат кўрсатадиган ижтимоий соҳа-бу миллий иқтисодиётнинг ҳар хил тармоқларининг йиғиндисидир. Бунинг асосий функцияси, аҳоли учун керак бўлган хизматларни яратишдир. Ижтимоий соҳа тармоқларига қуйдагилар киради: чакана савдо, маориф, тиббиёт, уй-жой коммунал хўжалиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғи, жисмоний тарбия ва спорт, маданият ва санъат, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий таминот ва бошқалар.

Ўзбекистонда кўпчилик аҳоли қишлоқда яшагани учун бу жараёнда ижтимоий соҳани ривожлантириш борасида анчагина иш қилинмоқда. 2001-2006 йилларда қишлоқ жойларида уй-жойлар, поликлиникалар, касалхоналар, қишлоқ врачлик масканлари, умумий таълим мактаблари, хизмат кўрсатиш савдо ва умумий объектлари куриб битказилди. Қишлоқ аҳоли манзилгоҳларини газ, сув билан таъминлаш алоҳида ўрин тутди. Бу дастурларни амалга оширилиши асосида йилига бир неча минглаб километр янги газ тармоғи ва водопровод шохобчаси ишга туширилмоқда.

2.Ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларини ташкил қилишда ер тузишнинг роли

Ер тузиш давлатимизнинг ер тўғрисидаги қонунларини ҳаётга тадбиқ қилишга қаратилган тадбирлар тизими бўлиб, у ер ва ер билан боғлиқ ишлаб чиқариш воситаларидан меҳнат ресурсларидан тўла, оқилона ва самарали фойдаланишга, ерни ва табиатни муҳофаза қилишга қаратилгандир.

Ер тузиш ишларининг таркиби асосан халқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш талабларидан келиб чиқади. Ҳозирги даврда ер тузиш ишлари қуйидаги асосий вазифаларни ўз ичига олади:

- топография, геодезия, хариташунослик, геоботаника, тупроқ ва бошқа ер тузиш учун зарур изланишларни ўтказиш;
- республикамизда ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш Бош чизмасини, Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва туманлар ер тузиш чизмаларини ишлаш;
- ерни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш лойиҳаларини тузиш;
- янги хўжаликларни ташкил қилиш ва мавжуд хўжаликларнинг ер майдонлари жойлашувидаги камчиликларни тугатиш, хўжаликларга ер майдонларини ажратиш лойиҳаларини тузиш;
- хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳаларини ишлаш;
- табиатни муҳофаза қилишда аҳамияти катта бўлган ер майдонларини аниқлаш ва у ерларда табиатни муҳофаза қилишга қаратилганишларни ташкил қилиш, шунингдек табиатнинг хушманзара жойларида дам олиш масканлари ва кўриқхоналар ташкил қилиш ва бошқ.

Ер тузиш ишлари халқ хўжалиги тармоқларида ва қишлоқ хўжалик корхоналарида ўтказилиб, янги ерларни суғориш ва уларни қишлоқ хўжалиги ерларига қўшиш, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш ва деҳқончилик маданиятини кўтаришга қаратилгандир.

Ер халқ хўжалигининг барча тармоқларини жойлаштириш ва уларнинг фаолият кўрсатишлари учун зарур тармоқлараро ресурс ҳисобланади. Ерда саноат корхоналари, энергетика объектлари, Ичимлик суви ва темир йўллари, электр узатиш ва алоқа тармоқлари, қувур ўтказгичлар, аҳоли яшаш жойлари, муҳофаа, маданият, соғлиқни сақлаш объектлари қурилади. Шунинг учун, ҳар доим у ёки бу ноқишлоқ хўжалик корхоналарига, ташкилотларига, муассасаларига ер участкаларини

ажратиш зарурати келиб чиқаверади. Бунда бутун халқ хўжалиги бўйича оптимал натижаларга эришишга ҳаракат қилиш керак.

Мўлжалланган мақсадлари ҳар хил ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларини ташкил этишда, одатда, ерларни тоифалар ва халқ хўжалиги тармоқлари орасида қайта тақсимлаш, айрим вазиятларда эса маҳсулдор ерларнинг сарфланиши кузатилади.

Республикамиз ерларининг 48,31% қишлоқ хўжалик ерлари ташкил қилганлиги сабабли, бошқа тармоқ корхоналари, давлат ва жамоатчилик эҳтиёжлари учун ерлар кўп вазиятларда қишлоқ хўжалик ерлари ҳисобидан ажратилади. Бу ишлар Ўзбекистон республикасининг ер тўғрисидаги қонунларига, махсус қарор ва фармойишларига асосан олиб борилади. Ерлар қишлоқ хўжалик жамоа, ширкат корхоналарига эгалик қилиш ҳуқуқи билан берилса, бошқа тармоқ корхоналарига фақат фойдаланишга берилади. Шунинг учун ҳам, ерларни бошқа тармоқ корхоналарига олиб беришда янги ердан фойдаланиш ҳуқуқи юзага келади. Бу ишлар билан боғлиқ ер тузиш ишларини ўтказиш жараёнида нафақат ҳуқуқий, балки иқтисодий ва техник масалаларни ҳам, ер тузиш лойиҳасини ишлаш жараёнида ечиш талаб қилинади.

Ўзбекистоннинг ер қонунчилиги жуда қимматбаҳо (суғориладиган) ва унумдор ерларнинг қишлоқ хўжалигидан олинishiга йўл қўймайди. Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун яроқли ерлар энг аввало қишлоқ хўжалигига ажратилади.

Ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларини ташкил этиш ер тузиш ишларининг қуйидаги тартибини тақазо этади:

тайёргарлик ишлари;

ваколатли орган томонидан ер участкасини бериш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши ва лойиҳавий ҳужжатларнинг тасдиқланиши;

ер участкасини жойда ажратиш;

ерга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатни ва ер тузиш материалларини бериш.

Саноат,Сув оқавава бошқа ноқишлоқ хўжалик корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларини республикамиз ҳудудида жойлаштириш ер тузишнинг вазифасига крмайди. Бу ишлар республикамизда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш, тармоқларни жойлаштириш режалари асосида амалга оширилади. Аммо, шу билан бир қаторда, уларнинг аниқ ўрни, ерларининг майдони ва шакли, чегаралари ер тузиш ишлари ёрдамида аниқланади. Бунда хўжаликлараро ер тузиш тармоқлараро ер тузишга айланади, сабаби, ерни халқ хўжалиги тармоқлари, ер тоифалари орасида қайта тақсимлаш ишлари бажарилади.

Қишлоқ хўжалигидан бошқа тармоқ корхоналари ҳар хилдир. Уларга саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва маданий, илмий, соғлиқни сақлаш, дам олиш, сув хўжалиги, ўрмон хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари ва ҳар хил иншоотлар киради. Уларга ер майдонлари доимий ёки вақтинча фойдаланишга берилади. Уларнинг ерлари майдонлари ва жойлашиши бўйича ҳар хил бўлади. Майдони ва жойлашган ўрни ўзгариб турувчи ёки ўзгармайдиган, шакли ихчам ёки узун ер полосаларидан иборат бўлиши мумкин. Улар атроф муҳитга ҳар хил таъсир (ер ости сувларининг ер юзасига кўтарилиши, ерларнинг қуриб кетиши, ифлосланиши) қилиши ёки қилмаслиги мумкин. Бу таъсир, уларга ер ажратиш лойиҳаларини тузиш вақтида ҳисобга олиниши керак.

3. БМИнинг мақсади, унга қўйилган вазифалар ва асос қилиб олинган материаллар

Битирув малакавий ишининг мақсади ичимлик суви тармоқлари қурилишига ер ажратишдир. Бу хўжаликлараро ер тузиш лойиҳаси ҳисобланади. Бунда қурилишига ер ажратиш жараёнида қишлоқ хўжалик корхонаси кўрадиган зарар ҳажми минимал бўлишига эътибор бериш керак. Битирув ишининг вазифаси қуйидагилардан иборат.

- ажратилаётган ер майдонини шундай жойга жойлаштириш керакки, бунда бошқа тармоқлар манфаатларига зарар етказилмаган ҳолда,

қўйилган мақсад ва вазифаларни бажаришга зарур ҳамма шарт-шароитлар яратилсин;

- ернинг майдони, шакли ва табиий шароити ажратиладиган мақсадларга мос тушсин;

- ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга ва уларни муҳофаза қилишга шароит яратилсин;

- ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун қилинган харажатлардан оқилона фойдаланиш, қимматбаҳо ер турларини максимал сақлаш, ҳудудларнинг ташкил қилинишини бузмаслик, хўжаликлар ер майдонларида камчиликлар пайдо бўлишига йўл қўймаслик керак.

Битирув малакавий ишига қўйилган вазифаларни бажариш учун хўжалик тўғрисида қуйидаги материаллар асос бўлиб хизмат қилади.

1. Хўжалик тўғрисида умумий маълумотлар;
2. Хўжалик ер турлари жойлашиш тархи;
3. Контурлар бўйича майдон ҳисоблаш қайдномаси;
4. Ер ажратиш тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатлар.

**1-БОБ. МАССИВ ЖОЙЛАШГАН ҲУДУДНИНГ ТАБИЙЙ,
ИЖТИМОИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ШАРОИТЛАРИ ТАВСИФИ**

1.1. Массив тўғрисида умумий маълумотлар

Варахшо массиви Жондор туманининг шимолида жойлашган. Массив шимолдан Рометан тумани ерлари билан, шарқдан Бухоро массиви билан, жанубдан Ибн Сино массиви ерлари билан, ғарбдан Андижон массив ерлари билан чегарадош. Массив чегарасидаги жами ер майдони 3626 гектарни ташкил қилади. Массивнинг асосий йўналиши деҳқончилик бўлиб, унда асосий экин майдонини пахта ва дон ташкил этиб, экинлар таркибида пахта энг юқори ўрин тутди. Қўшимча равишда сабзавот, полиз, экинлар ва ем-хашак экинлари етиштириш шунингдек, боғдорчиликни ривожлантириш кўзда тутилган. Чорвачиликда эса қорамол ва ипакчиликни ривожлантириш йўлга қўйилган. Массив вилоят маркази ва туман марказлари ҳамда маҳсулот қабул қилиш пунктлари билан асфальтланган йўллар билан боғланган. Массивдан туман марказигача 16 км, маъмурий ҳудудий бўлиниши бўйича хўжалик Ромиш қишлоқ фуқаролар йиғинига қарайди. Ушбу фуқаролар йиғинининг 2014 йил берган маълумотга қараганда массивда 12 та қишлоқ мавжуд бўлиб, уларда 7684 та одам яшайди. Булар, "Работ", "Ромиш", "Работикора", "Оқработ", "Қазоқон", "Хушкану", "Бўз ер", "Деҳқонобод", "Урганжилар", "Оқтепа", "Хатчабарот", "Чиқир" аҳоли пунктлари иди.

Шу билан бир қаторда массивнинг келгусидаги ривожланиш истиқболларини белгилаш, уларни аниқлаш учун биринчи навбатда массивнинг табиий, ижтимоий ва иқтисодий шароитларини ҳар жиҳатдан чуқур билиш, лойиҳада қабул қилинган ечимларни ҳар томонлама асослашда катта аҳамиятга эга.

1.2. Табiiй шароитлари (иқлими, рельефи, тупроқлари)

Бухоро воҳаси агроиқлим нуқтаи назаридан Жанубий агроиқлим туманига киради ва Варахшоҳавзасининг энг иссиқ куруқ тумани ҳисобланади. Худуднинг катта қисми пасттекисликлардан, текис саҳродан иборат ва ёз ойларида кучли қиздирилади.

Иқлими. Иқлим шароитлари бўйича массив агроиқлим нуқтаи назаридан Жанубий Самарқанд агроиқлим туманига киради ва Варахшоҳавзасининг энг иссиқ куруқ тумани ҳисобланади ҳуд. Иқлимнинг алоҳида кўрсаткичлари ёғингарчилик миқдорининг камлиги, ёздаги ҳароратнинг юқори бўлиши, қиш ойларида ҳароратнинг пасайиши, ҳавонинг куруқлиги ва буғланишнинг юқорилигидир.

Январда ўртача ойлик ҳарорат 2-6 градусни ташкил этади. Ҳавонинг энг совуқ ҳарорати -28-32 градусгача этади. Совуқсиз кунлар йил давомида 206 кунни ташкил қилади. Вегетация даврида самарали ҳарорат йиғиндисини 2400-2500 градиунини ташкил қилади. Биринчи совуқли кунлар 15 октябрдан бошланиб 26 мартда тугайди. Ҳавонинг нисбий намлиги 65 % ни ташкил қилади ёзда бу 45 % гача пасаяди.

Ёз ойи жазирама. Июлда ўртача ойлик ҳаво ҳарорати 27,4 градусдир. Ҳавонинг энг иссиқ ҳарорати 43 градусни ташкил этади. Йил бўлаб 6 кун каттиқ шамол (секундига 15 метрдан ортиқ) эсади.

Йиллик ёғингарчилик 220 -283 мм.

Қуйидаги 1,2,3,4,5 жадвалларда иқлимнинг асосий кўрсаткичлари келтирилган.

1- жадвал

Бухоро метеостанциясининг маълумотларига кўра йил ва ойлар бўйича ҳарорат

Ҳарорат	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Йил
Ўртача	2,6	0,2	7,4	14,4	20,6	25,4	27,4	25,2	19,2	12,2	5,6	0,6	13,0
Юқори	20	25	31	36	41	43	43	43	39	38	30	23	43

Паст	-30	-28	-20	-6	0	3	7	6	0	-13	-23	-32	-32
------	-----	-----	-----	----	---	---	---	---	---	-----	-----	-----	-----

2-жадвал

Бухоро метеостанциясининг маълумотларига кўра йил ва ойлар бўйича
шамолнинг тезлиги

Метеостан- ция номи	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XI	Йил
Бухоро	1,4	1,7	1,9	2,0	2,0	1,9	1,5	1,4	1,3	1,4	1,4	1,2	1,6

3-жадвал

Бухоро метеостанциясининг маълумотларига кўра йил ва ойлар бўйича -
ёғингарчилик миқдори, мм

Метеостан- ция номи	I	II	III	IV	V	VI	VI	VI	IX	X	XI	XI	Йил
							I	II					
Бухоро	29	22	45	41	39	22	9	1	4	24	30	38	304

4-жадвал

Бухоро метеостанциясининг маълумотларига кўра йил бўйича кучли
шамол эсадиган кунлар

Метеостанция номи	I	II	III	IV	V	VI	V	VII	IX	X	XI	XI	Йил
							II	I				I	
Бухоро	2	2	3	3	6	6	6	5	3	5	2	2	29

5-жадвал

Бухоро метеостанциясининг маълумотларига кўра йил ва ойлар бўйича
шамолнинг йўналиши.

Ойлар	Ш	ШШҚ	ШҚ	ЖШҚ	Ж	ЖҒ	Ғ	ШҒ
I	32	24	6	4	6	4	6	18
II	26	22	7	5	7	6	8	19
III	28	17	6	6	9	6	8	20
IV	28	17	8	5	11	6	8	17
V	27	16	7	6	12	8	7	17

VI	25	15	5	5	13	7	7	23
VII	24	12	5	5	14	6	9	25
VIII	20	12	5	6	15	6	9	27
IX	24	16	9	6	11	4	7	23
X	23	23	8	6	8	5	7	20
XI	26	26	6	4	6	6	8	18
XII	29	24	7	3	7	6	9	15
Йил	26	19	6	5	10	6	8	20

Рельефи. Массивнинг рельефи асосан текисликлардан иборат бўлиб, шимолий шарқдан жанубий ғарбга ва шарқдан ғарбга қараб кучсиз қияликдан иборат. Узоқ муддатли суғориш ва агротехника натижасида рельеф ўзининг антропоген кўринишини олган. Массивнинг ҳудуди Варахшодарёсининг I, II, III қайир усти лойсимон ётқизиклардан ташкил топган. Асосан рельефи текислик иборат.

Массив тупроқларининг механик таркиби ҳар хил бўлиб, тупроқ турлари бўйича 36,2-74,0% и ўрта механик таркиблидир .

Тупроқ шароити

Массивнинг суғориладиган ерлари саҳро минтақасига хос бўлиб, қадимдан суғориладиган ўтлоқи аллювиал, ўтлоқи-саҳро ва ўтлоқ-тақирли, ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар кенг тарқалган. Юқорида келтирилган тупроқ турларининг майдони 6. жадвалда келтирилган.

**6. жадвал Массивнинг суғориладиган ҳудудида тарқалган
тупроқ турлари ва майдони**

Тупроқ тури	Майдони, га	%
Ўтлоқи-аллювиал тупроқлар	2141.6	87,7
Тақир-ўтлоқи тупроқлар	195.3	8,0
Сур тусли қўнғир тупроқлар	100.1	4,1
Ўтлоқи-қумоқ тупроқлар	5	0,2

Келтирилган жадвал маълумотларини кўрсатишича вилоятнинг суғориладиган ерларини 87,7% ўтлоқи-аллювиал ва пойма-аллювиал тупроқларидан иборат. Бу тупроқлар қадимдан суғориладиган, маданийлашган, унумдор тупроқлар бўлиб, хайдалма қатлам (0-40 см) таркибидаги гумус миқдори 0,86-1,6 %ни, умумий азот 0,06-0,12% ни, умумий фосфор 0,11-0,18% ни ташкил қилади.

Тақир-ўтлоқи тупроқлар тарқалиш майдони бўйича ўтлоқи аллювиал тупроқлардан кейин иккинчи ўринда туриб, майдони 8 фоизни ташкил қилади. Бу тупроқлар массивнинг рельеф бўйича юқори қисмларини ўз ичига олади, шунингдек ўтлоқи-аллювиал тупроқлар таркибида гумус миқдори 0,5-0,8% ни, умумий азот 0,04-0,8% фосфор эса 0,8-0,14% ни ташкил этади.

Массив тупроқлари яхши сув-физик хоссаларга эга бўлиб, қишлоқ хўжалик экинларига механик ишлов бериш, сув ўтказувчанлиги, намликни сақлаш хусусиятлари жуда қулайдир.

Суғориладиган тупроқларни ҳаракатчан фосфор билан таъминланганлик даражаси бўйича 5,7% майдон жуда кучсиз, 39,5% ўртача, 3,4% юқори ва 0,5% майдон жуда юқори таъминланган.

Харакатчан калий бўйича эса 1,1% майдон жуда кучсиз, 49,2 % кучсиз, 40,2% ўртача, 8,6% кучли ва 0,9% майдон юқори таъминланган. Ушбу маълумотлардан маълумки суғориладиган ерларда етиштириладиган барча қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл, сифатли ва кафолатланган ҳосил олиш учун минерал ўғитлардан максимал даражада фойдаланиш талаб қилинади.

Мелиоратив кадастир маълумотларига қараганда, суғориладиган майдонларнинг 13 % ни яхши ерлар, 73 % ни қониқарли ва 14 % ни қониқарсиз ерлар ташкил этади.

Ерларнинг шўрланиши. Суғориладиган ерларнинг 87,0 фоизи турли даражадаги шўрланган ерлардир. Жумладан 4 % ерлар кучли, 25 % ерлар ўртача ва 58 % ерлар кам шўрланган ерлар тоифасига киради. Шўрланмаган ерлар 13 % ни ташкил этади.

Массивнинг суғориладиган ерлари асосан иқлим бўйича қурғоқчил, рельефи бўйича текислик минтақасида ва гидрогеологик жихатидан III-гидрогеологик яъни, сизот сувларини буғланиш минтақасида жойлашганлиги учун табиий равишда доимо шўрланишга мойил ерлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам вилоят ҳудудидаги барча тупроқ турлари турли даражада шўрланган.

- 1.3. Ирригация ва мелиорация тармоқлари тавсифи.

Суғориладиган минтақаларда ирригация ва мелиорация шаҳобчалари тўғрисидаги тўла маълумотларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Варахшо массивининг далалари суғориш тармоқлари билан яхши таъминланган.

Асосий суғориш тармоғи Хатча канали ҳисобланади. Суғориш тармоқлари ва зовурлар 447,0 га ни ташкил этади. Массивдаги суғориш тармоқларининг асосий камчилиги шундан иборатки, бу каналлар ердан казилган, инженерлик тармоқлари билан таъминланган. Каналларнинг

ерда қазилганлиги вегетация даврида ортиқча, кўп миқдорда сув исроф бўлишига олиб келади. Массив ҳудудидаги суғориш тармоқларининг ўртача фойдали иш коэффициентлари 0,65 – 0,7 ни ташкил қилади. Умумий тақсимланган сувнинг 30 – 35 % ер остига сингади. Массивнинг баъзи участкаларида мавжуд бўлган майда – майда суғориш тармоқларининг мавжудлиги, далалар сатҳининг кичиклиги, далалар тузилишининг нотўғрилиги сувнинг кўп миқдорда сарф бўлишига сабаб бўлмоқда. Ер ости сувларини йиғич – мелиоратив тармоқлар, яъни захкашлардир. Далачилик ривожланишининг асоси захкашдир. Захкашлар хўжалик ерлари мелиоратив ҳолатини яхшилаб туришда рол ўйнайди.

1.4. Аҳоли яшаш жойлари тавсифи.

Массивнинг умумий аҳолиси 7684 одамни ташкил қилади. Аҳолининг асосий қисми “Қазоқон”, “Оқтеппа”, “Оқработ”, “Работикара”, “Урганжилар” аҳоли пунктларида истиқомат қилади. Массивда 12 қишлоқ бўлиб, марказий аҳоли пунктлари “Қазоқон”, “Ромиш”, “Урганжилар” аҳоли пунктлари. Бу аҳоли пунктлари бир – бирлари билан яхши йўл алоқасига эга. Аҳоли пунктларидаги аҳоли сони ҳамда аҳоли пунктларининг ободонлаштирилганлик даражаси қуйидаги жадвалда келтирилган.

7-жадвал

Хўжаликда аҳоли яшаш жойлари тавсифи

Аҳоли пунктлари номи	Оила- лар сони	Аҳоли сони		Маданий маиший бино ва иншоотлар	Обо- дон- лашти- риш дара- жаси	Қишлоқ- нинг майдони, га	Бажара- диган вазифа- си
		Ҳам- маси	Меҳ- натга яроқ- лилар				

1."Работ",	115	575	286	Мактаб, ҚВП, ЁММ, касалхона, болалар боғчаси, дукон.	Элек- трлаш- лашган газлаш -ган	18	Ёрдамчи
2."Ромиш"	133	666	330	Дўкон, чойхона, устахона	Элек- трлаш- лашган газлаш -ган	21	Марка- зий
3."Работиқо ра"	142	710		Дўкон, чойхона, устахона	Элек- трлаш- лашган газлаш -ган	23	Ёрдамчи
4."Окработ"	178	899	445	Дўкон, чойхона, устахона	Элек- трлаш- лашган газлаш -ган	29	Ёрдамчи аҳоли пункти
5."Қазоқон"	246	1234	615	Мактаб, ҚВП, болалар боғчаси, дукон, чойхона, устахона	Элек- трлаш- лашган газлаш -ган	40	Марка- зий аҳоли пункти
6."Хушкану "	118	591	290	Болалар боғчаси, дукон, чойхона, устахона	Элек- трлаш- лашган газлаш -ган	19	Ёрда мчи аҳоли пункти

7."Бўз ер"	107	535	267	Дўкон, чойхона, устахона	Элек- трлаш- лашган газлаш -ган	18	Ёрд амчи аҳоли пункти
8."Дехқоноб од"	14	72	36	Дўкон.	Элек- трлаш - лашга н газла ш-ган	5	Ёрдам чи аҳоли пункти
9."Урганжи лар"	144	720	360	Дўкон, чойхона, устахона	- -	23	Марка -зий аҳоли пункти
10."Оқтепа"	126	630	315	Дўкон, чойхона, устахона	Элек- трлаш - лашга н газла ш-ган	20	Ёрдам чи аҳоли пункти
11."Хатчаро бот"	75	376	188	Дўкон, чойхона, устахона	Элек- трлаш - лашга н	45	Ёрдам чи аҳоли пункти

					газла ш-ган		
12."Чиқир"	135	676	338	Дўкон, чойхона, устахона	Элек- трлаш лашга н газла шган	21	Ёрдам чи аҳоли пункти
Жами	1533	7684	3822			262	

I.5. Ердан фойдаланиш тавсифи

2013 йил 1 январь ҳолатига нисбатан Варахшо массивига 3626 майдони бириктирилган. Массив ер фондининг ер турлари бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги 8- жадвалда келтирилган.

8-жадвал

Варахшомассивининг ер фонди

Т/р	Ер турлари	Майдони		
		Гектар	Умумий май-донга нисба-тан, % ҳисобида	Қишлоқ хўжалик ерларига нисба- тан, % ҳисобида
1.	Ҳайдалма ерлар:	2020.8	55.73	86.0
	шу жумладан:суғориладиган	2020.8		
	суғорилмайдиган			
2.	Дарахтзорлар:	209.6	5.76	
	шу жумладан:			
	боғлар	83.2	2.29	3.51

3.	узумзорлар	40.2	1.10	1.70
	Тутзорлар	86.2	2.37	3.66
	Бўз ерлар	13.5	0.37	0.57
4.	шу жумладан: суғориладиган суғорилмайдиган Ўтлоқ ва яйловлар	107.3	2.95	4.56
	Жами қишлоқ хўжалик ерлари	2351.2	64.95	100
5.	Томорқа ерлари	573.5	15.81	
6.	Ихота дарахтлари	0.8	0.02	
7.	Теракзор	0		
8.	Қумликдаги дарахтлар	0		
9.	Кўллар	0		
10.	Ариқ ва завурлар	447	12.32	
11.	Йўллар	63.3	1.74	
12.	Қурилиш, кўчалар, саройлар ва майдонлар	59.7	1.64	

13	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар	127.6	3.52	
	Жами массив чегарасидаги ерлар	3626	100	

Юқоридаги жадвалдан кўринадиган массив умумий майдонинг 55.73 % ҳайдалма ерлар ташкил қилади. Дарахтзорлар майдони 209.6 га, бу эса умумий майдонинг 5.76 % ини ташкил этади. Ер майдонининг таҳлили шуни кўрсатадики, массив ҳудудида 13.5 га бўз ерлар, 107.3 га ўтлоқ ва яйловлар мавжуд бўлиб, бу ерларнинг бир қисмини келажакда қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун ўзлаштириш мумкин. Булар фойдаланиладиган ер майдонларини кенгайтиришнинг ички имкониятлари

ҳисобланади. Массивнинг асосий ишлаб чиқариш бўлинмиси – ижара асосида ишлаётган фермер хўжаликларидир. Массивда 18 та фермер хўжаликлари фаолият юритишмоқда. Шулардан 16 таси пахтачилик, ғаллачилик, 1 та сабзавотчилик ва 1 та боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкил этилган. Фермер хўжаликлари тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

Фермер хўжаликлари ер майдонлари тавсифи 9-Жадвал

№	Фермер хўжаликлари номи	Ихтисослиги	Умумий майдони	шундан											
				Экин ери			Кўп йиллик дарахтлар		терак	Бўз ерлар	яйловлар	Ихота дарахтлари	йўллар	Ариқлар, каналлар зовурлар	Бошқа ерлар
				жами	сувли	лалми	боғ	тутзор							
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
1	Бахшилло Бехруз Дониёр	П-Ғ	47,2	41,4	41,4	0	0	1,2	0	0	0	0	0,4	0,6	3,4
2	Латиф Шариф Эргаш	П-Ғ	168,53	133,8	133,8	0	4,2	2	0	0	0	0,1	2,2	2,7	3,49
3	Ислом Барно Икром жасур	П-Ғ	75,4	66,4	66,4	0	0	0,9	0	0	0	0,1	0,6	1,3	1,5
4	Жасурбек Жамшидбек Махмуд 1	П-Ғ	88,5	76,2	76,2	0	4,1	1,2	0	0	0	0,1	1,2	1,2	2
5	Ибодобод	П-Ғ	106	76,1	76,1	0	3,4	1	0	0	0	0,1	1,2	1,3	5
6	Шахзодбек	П-Ғ	230,83	108,1	108,1	0	0,49	1,6	0	1,24	51,39	0,6	5,4	6	34

7	Шариф Курбон	П-Ғ	93.4	70.52	70.52	0	2	1.3	0	0	0	0.2	2	2	2.9
8	Азизбек Абзор Хамро Шухрат	П-Ғ	233,69	108,1	108,1	0	1	0,37	0	8,31	35,76				
9	Усто Ёқуб	П-Ғ	145,24	110,2	110,2	0	0	3,13	0	0	0				
10	Исмоил Туроб Ниёз	П-Ғ	133,7	102,2	102,2	0	0	0	0	0	7,74				

9-жадвалнинг давоми

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
11	Чори Рузи	П-Ғ	85,68	80,5 1	80,51	0	0	0	0	0	0				
12	Аҳад Сафар Максуд	П-Ғ	210,52	157, 3	157,3	0	2	1,57	0	0	15,73				
13	Ашурова Кумри Рауф	П-Ғ	223,74	197, 2	197,2	0	0,37	1,29	0	3,33	1,35				
14	Темур Азамат Лочин	П-Ғ	155,1	60,7	60,7	0	0	0	0	18,3	25,3				
15	Мухаммад Истикболи	П-Ғ	57,88	47,6 3	0	0	0	0,8	0	0	0				
16	Казоконлик	Саб	185,2	58,6	58,6	0	0	0	0	7	108				

	Усмон Мадмурод														
17	Азизбек Ал Замон	П-ғ	103	55,2	55,2	0	0	0	0	4,5	24,1				
18	Аловиддин Жамшид	боғ	17,23	15,4	15.4	0	15,4	0	0	0	0				
19	Дустмурод Сафар	боғ	22,91	21,2 0	21.20	0	21,20	0	0	0	0				
20	Рахим Субхон	боғ	10,09	9,13	9.3	0	9,13	0	0	0	0				
21	Негмурод Меҳридин	боғ	12,07	9,86	9.86	0	9,86	0	0	0	0				
22	Мукумов Эльёк боғи	боғ	10,94	9,07	9.07	0	9,07	0	0	0	0				
23	Фатилло Фармон боғи	боғ	13,3	12,2	12.2	0	12,2	0	0	0	0				
24		чор	1,2	1	1	0	0	0	0	0	0				
25	БафоЖурабек	боғ	10,99	10,4	10.4	0	10,4	0	0	0	0				
	Жамиси.		2442.34	1560	1560		103.2	16,4	1.65	42.7	269.4	2.8	36.6	36.6	373.0

Изоҳ: П-ғ - Пахтачилик – ғаллачилик, боғ-боғдорчилик.

Дехқончилик тавсифи. Массивнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этилиши шуни кўрсатадики, асосий деҳқончилик тармоғи пахтачилик ҳисоблангани ҳолда, сабзавотчилик, боғдорчилик сингари тармоқлар ҳам ривожланмоқда. Бошқа массивлардаги сингари бу массивда ҳам донли экинларни экиш ва ҳосилдорлигини ошириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда, бундан ташқари кейинги йилларда хўжаликда дончилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ҳам ривожланди. Деҳқончиликнинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган экин майдонлари қуйидаги жадвалда келтирилган.

10- жадвал

Қишлоқ хўжалик экинлари таркиби.

т/р	Экинлар тури	Экин майдонлари, га	Шу жумладан, % ҳисобида
1.	Пахта	890	56,63
2.	Бугдой	611	39,55
3.	Полиз	15	0,96
4.	Сабзавот	20	1,27
5.	Картошка	15	0,95
6.	Мош	10	0,64
	Жами экин майдони	1560	100

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики асосий ҳайдалма ерлар пахта билан банд бўлиб, умумий экин майдонларининг 56,63 % ташкил қилади. Дон майдонлари ҳам умумий экинларнинг 611 гектарини, яъни 39,55 % ташкил этади. Шуни эътироф этиш керакки, ишлаб чиқаришни таҳлил қилишда экин майдонларининг миқдори билан бирга етиштирилган маҳсулотнинг миқдори, ҳосилдорлик кўрсаткичлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қуйидаги жадвалда деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш бўйича маълумотлар келтирилган.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

Т/р	Экинлар тури	Ҳосилдорлиги, и, ц	Экин майдонла ри, га	Ялпи маҳсулот ҳажми, ц	Товар маҳсулот ҳажми, т.
1.	Пахта	25	890	22250	2225
2.	Бугдой: шу жумладан:				
	дони	30	611	18648	1636
3.	сомони	30		18648	1636
4.	Полиз	250	15	3750	375
5.	Сабзавот	180	20	3600	360
	Картошка	170	15	2550	255
	Мош	17	10	170	17
			1560		

Бошқа ерларидан фойдаланиш. Массивда ҳайдалма ерлардан ташқари 51.6 га боғ, 35.1га узумзор, 16,4 га тутзор, 42.7 гектар бўз ерлар ва 269.4 га яйловлар мавжуд.

Массивда боғдорчилик майдонлари ва бошқа қишлоқ хўжалик ерларидан олинаётган маҳсулотлар миқдори 11-жадвалда келтирилган.

Қишлоқ хўжалик ер турлари таркиби, ҳосилдорлиги ва ялпи маҳсулоти

Т/р	Қишлоқ хўжалик ер турлари	Майдони, га	Ҳосилдорлиги, ц/га	Ялпи маҳсулот, т
1.	Боғлар	86,7	45	3901.5
2.	Тутзорлар	16,4	50	820
3.	Бўз ерлар	42,7	-	-
4.	Яйловлар	169,4	-	-

Жадвал маълумотларига кўра, боғдан олинаётган ҳосил жуда паст.

Чорвачилик тавсифи. Республикамизда чорвачилик соҳасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунга асосан массивда чорвачилик аста секинлик билан ривожланмоқда. Бу эса массивнинг ўз озуқа базасига эга бўлишини кўзда тутди. Чорвачилик ёрдамчи тармоқ ҳисобланади. Массивда чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этилмаган. Массивда мавжуд 16,4 гектар тутзордан етиштирилган барг ҳисобига 5 тонна пилла етиштирилади. Массивда 100 кути ипак курти боқилади ва ҳар бир кути қуртдан 50 кг дан пилла олинади.

1.6. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий кўрсаткичлари

Массив ишлаб чиқариш фаолиятини баҳолаш учун асосан иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш лозим.

14-жадвал

Хўжаликнинг асосий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Микдори
1.	Ялпи маҳсулот қиймати	Минг сўм	2346215
	Шу жумладан: Дехқончилик	Минг сўм	2212815
	Чорвачилик	Минг сўм	133400
2.	Ишлаб чиқариш харажатлари	Минг сўм	1994280
	Соф даромад	Минг сўм	351935
	Рентабеллик	%	17,6

14 жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, хўжаликда рентабеллик даражаси 17,6 % ни ташкил этади.

15 жадвал

Сотиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қиймати

т/р	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Ўлчов бир. баҳоси, сўм	Умумий баҳоси, минг сўм
1	2	3	4	5	6

1.	Пахта	Тонна	2225	500	1112500
2.	Буғдой	Тонна	2550	200	510000
3.	Пилла	Тонна	5,0	5000	25000
4.	Мева	Тонна	99	500	49500
5.	Сабзавот	Тонна	360	300	108000
6.	Полиз	Тонна	375	200	75000
7.	Буғдой	Тонна	2550	50	127500
8.	сомони	Тонна	255	300	76500
9.	Картошка	Тонна	17	2000	34000
	Мош				
	Жами				2118000

Мавжуд бўлган ишлаб чиқариш харажатлари, хўжаликнинг соф даромади ва рентабеллик даражси.

$$\tilde{O} = (B\tilde{I}K \times 85) : 100 = (2118000 \times 85) : 100 = 1800300 \text{ минг сўм}$$

$$\tilde{N}\tilde{A} = B\tilde{I} - B\tilde{I}\tilde{O} = 2118000 - 1800300 = 317700 \text{ минг сўм}$$

$$R = \frac{317700 \times 100}{1800300} = 17,6 \%$$

Массивда ер ва сув ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш бўйича таклиф ва хулосалар.

Массивда ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун асосан шўрланган ерларда мелиоратив ишларни кенг кўламда олиб бориш, нотекис экин майдонларида капитал текислаш ишларини ўтказиш ва сув билан кам таъминланган майдонларга янги суғориш тармоқларини ўтказиш зарур.

**Массивда ердан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатувчи
умумий кўрсаткичлар.**

16- жадвал

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Сони
	100 га қишлоқ хўжалик ерлари ҳисобига ишлаб чиқилган.		
	Пахта	тонна	130,1
	Дон	тонна	149,2
	Пилла	тонна	0,29
	Мева	тонна	5,79
	Сабзавот	тонна	21,0
	Полиз	тонна	21,9
	Картошка	тонна	14,9
	Бир қути ипак қуртидан олинган пилла	кг	50

Асосий ташкилий - хўжалик тадбирларидан ҳисобланган алмашлаб экишни қатъий жорий этиш натижасида унумдорлиги кам майдонларнинг унумдорлиги ошади, ерларни шўрланиши камаяди ўсимликлар касаллик-лари йўқотилади, натижада экинлар ҳосилдорлиги ошади. Хўжалик ҳудудида мавжуд бўлган боғ майдонларини тартибга келтириш зарур.

Массивнинг табиий - иқтисодий шароити қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун қулайдир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан юқори ҳосил олишга салбий таъсири омиллардан бири бу тупроқ шўрланиши ва сув эрозиясидир. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун шўрланган ерларда шўр ювиш ишларини олиб бориш ва сизот сувлари яқин жойлашган ерларда зовурларни тозалаш ёки янгисини қозиш лозим.

**2-БОБ. ИЧИМЛИК СУВИ ТАРМОҚЛАРИ ҚУРИЛИШИГА ЕР
АЖРАТИШ ЛОЙИХАСИ**

2.1. Ичимлик суви тармоқлари жойлашадиган ўрнини ва тахминий майдонини аниқлаш ва асослаш

Ер халқ хўжалигининг барча тармоқларини жойлаштириш ва уларнинг фаолият кўрсатишлари учун зарур тармоқлараро ресурс ҳисобланади. Ерда саноат корхоналари, энергетика объектлари, Ичимлик суви ва темир йўллари, электр узатиш ва алоқа тармоқлари, қувур ўтказгичлар, аҳоли яшаш жойлари, мудофаа, маданият, соғлиқни сақлаш объектлари қурилади. Шунинг учун, ҳар доим у ёки бу ноқишлоқ хўжалик корхоналарига, ташкилотларига, муассасаларига ер участкаларини ажратиш зарурати келиб чиқаверади. Бунда бутун халқ хўжалиги бўйича оптимал натижаларга эришишга ҳаракат қилиш керак.

Ерлар қишлоқ хўжалиги корхоналарига ижара ҳуқуқи билан берилса, бошқа тармоқ корхоналарига фақат фойдаланиш учун берилади. Шунинг учун ҳам ерларни бошқа тармоқ корхоналарига олиб беришда янги ердан фойдаланиш ҳуқуқи юзага келади. Бу ишлар билан боғлиқ ер тузиш ишларини ўтказиш жараёнида нафақат ҳуқуқий, балки иқтисодий ва техник масалаларни ҳам ер тузиш лойиҳасини ишлаш жараёнида ечиш талаб қилинади.

Ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларни ташкил этиш ер тузиш ишларининг қуйидаги тартибини тақазо қилади:

- тайёргарлик ишлари;
- ваколатли орган томонидан ер участкасини бериш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши ва лойиҳавий ҳужжатларнинг тасдиқланиши;
- ер участкасини жойда ажратиш;
- ерга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатни ва ер тузиш материалларини бериш.

Қишлоқ хўжалигидан бошқа тармоқ корхоналари ҳар хилдир. Уларга саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва маданий, илмий, соғлиқни сақлаш, дам олиш, сув хўжалиги, ўрмон хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари ва ҳар хил иншоотлар киради. Уларга ер майдонлари

доимий ёки вақтинча фойдаланишга берилади. Уларнинг ерлари майдонлари ва жойлашиши бўйича ҳар хил бўлади. Майдони ва жойлашган ўрни ўзгариб турувчи ёки ўзгармайдиган, шакли ихчам ёки узун ер полосаларидан иборат бўлиши мумкин. Улар атроф муҳитга ҳар хил таъсир (ер ости сувларининг ер юзасига кўтарилиши, ерларнинг қуриб кетиши, ифлосланиши) қилиши ёки қилмаслиги мумкин. Бу таъсир, уларга ер ажратиш лойиҳаларини тузиш вақтида ҳисобга олиниши керак.

Варахшо массиви ҳудудидан Ичимлик суви қурилишига ер ажратиш режалаштирилган бўлиб у узун иншоотлар учун ажратиладиган ер полосалари (темир ва Ичимлик суви тармоқлари, электр ва алоқа тармоқлари, каналлар ва шунга ўхшаш иншоотлар). Бу иншоотлар учун ажратиладиган ерлар майдони нисбатан кичик бўлишига қарамасдан улар ёввойи ўтлар уруғини тарқатувчи манбаа бўлиши ва хўжалик ер майдонининг бутунлигини бузиши мумкин; кўп ҳолларда Ичимлик суви тармоқлари ёнидаги ер полосалари заҳарли моддалар билан ифлосланган бўлади. Бу ерларда озиқ-овқат учун экиладиган экинларни экиш ва чорва молларини боқиш мумкин эмас;

Қишлоқ хўжалигидан бошқа тармоқ корхоналарига ер ажратганда ердан фойдаланишдаги қишлоқ хўжалигининг устиворлиги тамойилига қаттиқ риоя қилиш керак:

- қишлоқ хўжалиги учун яроқли ерлар биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилиши керак;
- бошқа корхоналарга қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқсиз ёки сифати паст ерлар ажратилади;
- бошқа корхоналар қишлоқ хўжалиги корхоналари ерларида иложи бўлмагандагина жойлаштирилади;
- суғориладиган ҳайдалма ерларни, боғлар ва узумзорларни бошқа корхоналар учун қишлоқ хўжалик корхоналаридан олиб бериш иложи бўлмаган ҳолларда, фақат Республика Вазирлар Маҳкамаси қарори ва ери олинаётган хўжалик розилиги билангина амалга оширилиши мумкин;

- қишлоқ хўжалик ерларини бошқа корхоналарга олиб беришда улар қишлоқ хўжалик корхоналари кўрадиган зарар ва харажатларни қоплашлари керак;

- қишлоқ хўжалик ерлари вақтинча фойдаланишга берилган корхоналар ердан фойдаланиш муддати тугаганидан кейин ўз ҳисобларидан фойдаланиш даврида бузилган ерларни олдинги ҳолатига келтиришлари, яъни, уларни рекультивация қилиб қайтаришлари керак;

- ер участкалари ер эгаликларининг ва ердан фойдаланувчиларнинг розилиги билан берилади;

- унумдор қишлоқ хўжалик ерлари бошқа мақсадлар учун ажратилганда тупроқларнинг устки унумдор қатлами қирқиб олинishi, сақланиши ва фойдаланилиши керак;

- ажратилаётган ер майдонини шундай жойга жойлаштириш керакки, бунда бошқа тармоқлар манфаатларига зарар етказилмаган ҳолда, корхона олдига қўйилган махсус мақсад ва вазифаларни бажаришга зарур ҳамма шарт-шароитлар яратилсин;

- ернинг майдони, шакли ва табиий шароити улар ажратилаётган мақсадларга мос тушсин;

- ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга ва уларни муҳофаза қилишга шароит яратилсин;

- ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун қилинган харажатлардан оқилона фойдаланиш, қимматбаҳо ер турларини максимал сақлаш, ҳудудларнинг ташкил қилинишини бузмаслик, хўжаликлар ер майдонларида камчиликлар пайдо бўлишига йўл қўймаслик керак.

Хулоса қилиб, ноқишлоқ хўжалик мақсадларига ер ажратишда ҳисобга олинадиган учта асосий тамойилни қуйидагича таърифлаш мумкин:

- қишлоқ хўжалигининг ердан фойдаланишдаги устиворлиги;
- ерни мутлоқ тежаш (ҳудудни минимал сарфлаш);
- ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларининг ва уларда

жойлаштириладиган объектларнинг ҳудудга ва атроф муҳитга таъсирини тўла ҳисобга олиш.

Асосли ва малакали лойиҳалаш - бутун ер ресурсларидан фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни оқилона ташкил этишни, унумдор ерлардан тўғри фойдаланишни, ҳаракатдаги ҳуқуқий меъёрларга риоя қилишни таъминловчи ишончли йўлдир.

Ноқишлоқ хўжалик мақсадларига ер участкаси ажратиладиган ва бериладиган хўжаликлараро ер тузиш лойиҳаси маълум тартибда ва кетма-кетликда ишланади ва учта босқичдан - жойни олдиндан келишиш, ер участкасини бериш ва ердан фойдаланишни расмийлаштиришдан иборат бўлади.

Корхонанинг жойлашадиган ўрнини ва тахминий майдонини олдиндан келишиб олиш. Ер олмоқчи бўлаётган корхона ёки ташкилот лойиҳа ишлангунча белгиланган мақсад учун ер майдони ажратишни сўраб, унинг жойлашадиган ўрни ва тахминий майдони кўрсатилган ариза билан вилоят ҳокимиятига мурожаат қилади. Хўжаликлараро ер тузиш ўтказиш учун асос бўлиб Қорақалпоғистон республикаси вазирлар маҳкамаси ёки вилоят ҳокимиятларининг корхонанинг ўрнини аниқлаш тўғрисидаги қарорлари хизмат қилади.

Мавзу бўйича Варахшо массиви ҳудудидан ўтувчи Ичимлик суви тармоқлари ўтказиш учун икки ечимда ер ажратиш режалаштирилди. Уларнинг тавсифи қуйидагича:

I-ечим бўйича Варахшо

массиви ҳудудидан ўтувчи Ичимлик сув тармоқлари массивнинг жанубий чегарасидан бошланади. Ичимлик суви тармоқлари массив бўйлаб қуйидаги контурлардан ўтади. 1261қ, 1255қ, 1254қ, 1253қ, 1244қ, 1242қ, 1239қ, 1240қ, 1219қ, 1217қ, 1263қ, ҳамда 1,36 гектарни ер ажратилади.

II-ечим бўйича ҳам Варахшо массиви ҳудудидан ўтувчи Ичимлик суви тармоғи массивнинг шимолий чегарасидан бошланади. Ичимлик

суви йўли массив бўйлаб қуйидаги контурлардан ўтади. 282к, 283к, 274к, 275к, 270к, 428к, 434к, 435к, 436к, 437к, 438к, 439к, 440к, 440к, 441к, 442к, 443к, 149к, Ичимлик суви йўлининг умумий узунлиги бу ечимда 4,4 кмни ташкил қилади. Бу ечим бўйича ичимлик суви тармоғини қуриш учун 4,4 гектар ер майдони ажратилади.

2.2. Ичимлик суви йўлига ер ажратиш ва уни ҳудудда жойлаштириш

Ноқишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган ердан фойдаланишларни ташкил этиш лойиҳаси объектнинг жойлашадиган ўрнини олдиндан келишиш босқичида тўла ишланади ва ер участкасини бериш жараёнида (жойлаштириладиган объектга лойиҳа тузилганидан кейин) зарурат туғилса, аниқлик киритилади. Ер тузиш лойиҳасида объектнинг тавсифини ҳисобга олиб, ердан фойдаланишнинг жойлаштирилишини, ерлардан оқилона фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни таъминловчи маълум доирадаги масалалар ечилиши керак. Энг яхши ечимни топиш мақсадида манфаатдор ташкилотлар ва корхоналар учун тўғри келадиган Ичимлик суви йўлини жойлаштиришнинг бир неча ечимлари ишланади.

Қимматбаҳо қишлоқ хўжалик ва ўрмон ерларини, ҳудуднинг мавжуд ташкил этилишини сақлаш, ерларнинг аҳволи ва сифати ёмонлашишининг олдини олиш учун қуйидаги талабларга риоя қилиш керак:

- ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларини биринчи навбатда захира ерларида, қишлоқ хўжалиги ерларидан бошқа ерларда, қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз ёки унумдорлиги паст ерларда, ҳамда ўрмон билан қопланмаган, арзонбаҳо дарахтлар ва буталар билан қопланган ўрмон фонди ерларида жойлаштириш;

- мавжуд ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларни, айниқса қишлоқ хўжалик корхоналари ва фермер хўжаликларини ва улар ҳудудларининг ички ташкил этилишини бузмаслик ёки ушбу ва атрофдаги ерлардан фойдаланиш самарадорлиги ва маҳсулдорлигининг пасайишига бевосита ва билвосита олиб келадиган ўзгаришларни энг кам киритиш;

- эрозия, батқоқлашиш, сизот сувлари кўтарилиши жараёнларига, ерлар бузилиши ва ифлосланишининг бошқа турларига йўл қўймаслик бўйича чораларни кўриш;

- қишлоқ хўжалиги ва бошқа корхоналарнинг хўжалик фаолияти шароитларининг ёмонлашишига олиб келадиган, уларга зарарлар ва харажатлар келтирадиган салбий оқибатларга йўл қўймаслик.

Ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларининг ва бошқа объектларнинг лойиҳаланган участкалари чегаралари 1:10000 масштабдаги лойиҳа планига туширилади.

Еимлар бўйича Ичимлик суви йўли учун контурлар бўйича ажратиладиган майдон ҳисоби қуйидаги жадвалда келтирилган.

17-жадвал

Ечимлар бўйича Ичимлик суви тармоқлари қурилиши учун ажратиладиган майдоннинг контурлар бўйича ҳисоби

Контур рақами	Умумий майдони, га	шу жумладан			
		ҳайдалма ерлар	томорқа ерлар	лалми ҳайдалма ер	бошқа ерлар
1-ечим бўйича					
1261қ	0,25	0,25	-	-	-
1255қ	0,02	0,02	-	-	-
1254қ	0, 5	-	0,5	-	-
1253қ	0,05	0,05	-	-	-
1244қ	0,05	0,05	-	-	-

17-жадвалнинг давоми

1242қ	0,05	0,05	-	-	-
1239қ	0,04	-	-	0,04	-
1240қ	0,04	-	-	-	0,04
1219қ	0,3	0,30	-	-	-

1217қ	0,03	-	-	-	0,03
1263қ	0,03	0,03	-	-	-
жами	1,36	0,75	0,5	0,04	0,07
2-ечим бўйича					
282қ	0,25	0,25	-	-	-
283қ	0,02	0,02	-	-	-
274қ	0, 5	-	0,5	-	-
275қ	0,05	0,05	-	-	-
270қ	0,05	0,05	-	-	-
428қ	0,05	0,05	-	-	-
434қ	0,04	-	-	0,04	-
435қ	0,28	-	-	0,28	-
436қ	1,12	-	-	1,12	-
437қ	0,24	-	-	-	0,24
438қ	0,12	0,12	-	-	-
439қ	0,24	0,24	-	-	-
440қ	0,32	0,32	-	-	-
441қ	0,56	0,56	-	-	-
442қ	0,48	0,48	-	-	-
443қ	0,68	0,68	-	-	-
жами	5,0	2,82	0,5	1,44	0,24

Жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики 1-ечим бўйича ажратиладиган 1,36 га майдоннинг 55,14 % ни суғориладиган ҳайдалма ерлар 36,76 % ни томорқа ерлар 2,94 % ни лалми ҳайдалма ерлар 5,15 % ни бошқа ерлар ташкил этади. 2-ечимда ажратиладиган 5 га майдоннинг 56,4 % ни суғориладиган ҳайдалма ерлар, 10 % ни томорқа ерлар, 28,8 % ни лалми ҳайдалма ерлар ва 4,8 % ни бошқа ерлар ташкил этади.

2.3. Ичимлик суви тармоқлари қурилишига ер ажратиш ҳужжатларини расмийлаштириш

Қишлоқ хўжалик корхонаси ҳудудидан ноқишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун ер ажратилганда ишлаб чиқилган ер тузиш лойиҳаси Ер кодексининг 13 – моддасига кўра қуйидаги тартибда бажарилади.

Маъмурий ҳудудий бирликларнинг чегараларини жойнинг ўзида белгилашга доир материаллар, шунингдек истикболга мўлжалланган, ҳамда лойиҳалаш олдидан ер тузиш ишларига доир бошқа материаллар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳалари қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари мол – мулкнинг мулкдорлари ёки улар ваколат берган органлар томонидан кўриб чиқилади ва қабул қилинади. Шунингдек манфаатдор ташкилотлар билан келишилади.

Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳалари вилоят ҳокими томонидан тасдиқланади. Юридик ва жисмоний шахсларга ер ажратиш бериш лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ички хўжалик ер тузиш лойиҳалари туман ҳокими томонидан тасдиқланади. Ер тузиш лойиҳаларига ўзгартиришлар ушбу лойиҳаларни тасдиқлаган органларнинг рухсати билан амалга оширилади.

Ер тузишни ер тузиш хизмати органлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширади. Қишлоқ хўжалик экинзорларини жойлаштириш, ерларни яхшилаш ва муҳофаза қилиш, эрозияга қарши ва мелиорация тадбирларини амалга ошириш борасидаги ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш юридик ва жисмоний шахсларнинг талабномаларига мувофиқ улар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Ноқишлоқ хўжалик корхонасига хўжалик ҳудудидан ер ажратиш билан боғлиқ ер тузиш иши таркибига кирувчи ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

1. Ер участкасига талабгорнинг илтимосномаси;

2. Фермер хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиши баённомаси;
3. Талабгорнинг ер тузиш ишини қўзғатиш бўйича туман ҳокимига илтимосномаси;
4. Ер участкасини жойда танлаш далолатномаси;
5. Туман ҳокимининг ер ажратиш бўйича қарори;
6. Ер участкаси плани;
7. Санитария эпидемиология хизмати хулосаси;
8. Вилоят ҳокимининг қарори;
9. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг хулосаси.

Жондор туман ҳокими
К.Рахимовга
Вилоят сув оқава бошқармаси
рахбари А.Абдуллаевдан

Илтимоснома

Туман аҳолисини тоза ичимлик суви билан доимий таъминлаш мақсадида 2014 йилда янги ичимлик суви тармоқларини ўтказиш режалаштирилган. Режада белгиланган ишларни амалга ошириш учун Варахшо массиви ҳудудидан ўтадиган ичимлик суви тармоғи қурилишига ер ажратиш тўғрисида қарор чиқаришингизни сўрайман.

Вилоят сув оқава бошқармаси рахбари: А.Абдуллаев.

25.01.2013йил.

**Жондор тумани “Варахшо” массиви ҳудудидан ўтадиган ичимлик
суви тармоқлари қурилиши учун ер майдони танлаш тўғрисида
ДАЛОЛАТНОМА**

2014 йил 14 феврал

Жондор тумани

Ушбу далолатнома вилоят сув оқава
бошқармаси раҳбарининг туман ҳокими
номига ёзган 2014 йил 25 январдаги
хатига асосан тузилди

Комиссия раиси: туман ҳокими

К.Раҳимов

Комиссия аъзолари:

1. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри
бўлими бошлиғи

А.Тўхтамишев

2. Туман бош меъмори

М.Маматов

3. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими
бошлиғи

Р.Саидов

4. Туман ЁХБ бошлиғи

Ш.Қиличев

5. Туман ДСЭН бош врач

Р. Маматов

6. Сепатта қишлоқ фуқоролар йиғини раиси

Б.Ашуров

Шу куни комиссия аъзолари жойига «Варахшо» массиви Қазоқонлик
Усмон Матмурод фермер хўжалиги ҳудудига чиқиб, ер ҳолатлари ички
қурилишлар билан танишиб тегишли меъёрлар асосида ичимлик суви
тармоқлари қурилиши учун ер майдони танлаш масаласини кўриб чиқиш
жараёнида фермер хўжалигининг шимолий-ғарбий қисмидан жанубий
қисмига қадар ичимлик суви тармоқлари қурилиши учун жами 9.52 га
шундан вақтинча фойдаланиш учун 8.16 га, доимий фойдаланиш учун
1.36 га суғориладиган ер майдони танлаш ва ажратишни мақсадга мувофиқ
деб топди.

Имзо қўйувчилар:

К.Раҳимов

А.Тўхтамишев

М.Маматов

Р.Саидов

Ш.Қиличев

Р. Маматов

Б.Ашуров

Жондор тумани ҳокими
ҚАРОРИ

2014 йил 25 феврал

№510

Жондор тумани

Туман аҳолисининг тоза ичилик суви билан
доимий таъминлаш мақсадида “Варахшо”
массиви ҳудудидан ўтадиган ичимлик суви
тармоқлари қурилишига ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси президенти ва ҳукуматининг республика аҳолисини тоза ичимлик суви билан доимий таъминлаш мақсадида қабул қилган қарорлари асосида тузилган режага ва белгиланган ишларни амалга ошириш учун “Варахшо” массиви ҳудудидан ўтадиган ичимлик суви тармоқлари қурилишига ер ажратиш тўғрисидаги вилоят сув оқава бошқармасининг илтимосномаси ва фермермер хўжалиги аъзоларининг 2014 йил 10 феврал 12 – сонли умумий мажлис баённомаси, ҳамда туман хўжаликлари ҳудудидан ўтувчи ичимлик суви тармоқлари қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларга асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Қазоқонлик Усмон Матмурод фермер хўжалиги аъзоларининг 2014 йил 10 феврал 12 – сонли умумий мажлис баённомаси, туман ҳокимининг ичимлик суви тармоқлари қурилиши учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги камиссия аъзоларининг 2014 йил 14 февралдаги далолатномаси тасдиқлансин.
2. Вилоят сув оқава бошқармасига ичимлик суви йўли қурилиши учун жами 9.52 га шундан вақтинча фойдаланиш учун 8.16 га, доимий фойдаланиш учун 1.36 га суғориладиган ер майдони ажратиб берилсин.
3. Вилоят сув оқава бошқармаси раҳбариятидан:
қурилиш ишларини (Ичимлик суви тармоқлари қурилиши учун)
хўжаликлар билан келишилган ҳолда олиб бориш;

- фермер хўжаликларига етказилган моддий зарарлар ва бой берилган фойдалар миқдорини ўз вақтида қоплаш;
- суви тармоқлари қурилиш тугаши билан рекультивация ишларини лойиҳа асосида олиб бориш, амалдаги тартиб асосида қайтариб бериш;
- қурилишга ажратилган қишлоқ хўжалик ерларининг ишлаб чиқаришга келтираётган зарар миқдорини қоплаш сўралсин.

4. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари зиммасига юклатилсин.

5. Мазкур қарорни тасдиқлаб бериш вилоят ҳокимидан сўралсин.

Туман ҳокими

К.Раҳимов.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

30 март 2014 йил

№627

Бухоро шаҳри

шаҳри

Жондор туманидаги “Варахшо” массиви ҳудудидан
ўтувчи ичимлик суви тармоқлари қурилишига ер майдони
ажратиш тўғрисида

Вилоят сув оқавабошқармасининг 2014 йил 25 январдаги 01-А / 28 –сонли хатини инобатга олиб, ҳамда Жондор тумани ҳокимининг 2012 йил 25 февралдаги 510–сонли қарори, туманидаги “Зарафшон” массиви ҳудудидан ўтувчи ичимлик суви тармоқлари қурилишига ер майдони ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларга асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Жондор тумани ҳокимининг 2014 йил 25 феврал 510 – сонли қарори тасдиқлансин.
2. Вилоят сув оқава бошқармасига “Варахшо” массиви ҳудудидан ўтувчи ичимлик суви тармоқлари учун 1-иловага асосан жами 9.52 га шундан вақтинча фойдаланиш учун 8.16 га, доимий фойдаланиш учун 1.36 га суғориладиган ер майдони ажратиб берилсин.
3. Вилоят йўл сув оқава раҳбариятига:
Жондор туманининг “Варахшо” массиви ҳудудидан ўтувчи ичимлик суви йўли қурилиши муносабати билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига келтираётган 950 минг сўмлик зарар миқдорини вилоят ер ресурслари бошқармасининг Бухоро шаҳри Ўзсаноатқурилиш банки Бухоро филиалидаги 20205000600551137002 сонли махсус ҳисобрақамига ўтказиш;

- Жондор туманининг “Варахшо” массиви ҳудудидан ўтувчи ичимлик суви тармоқлари қурилиши муносабати билан томорқа ер эгалари ва фермер хўжаликларига келтирилган моддий зарарларни қоплаш учун 2-иловага асосан тўлашни ўз вақтида амалга ошириш;

- Ичимлик суви тармоқлари қурилиши муносабати билан қурилиш ишларини жойларда ММТП раҳбарлари ва ҚФЙ раислари билан келишилган ҳолда олиб бориш сўралсин.

4. Қарорнинг 3 –бандидаги белгиланган вазифалар вилоят сув оқава бошқармаси раҳбарияти томонидан бажарилгандан сўнг жойларда ерларни ўлчаб бериш амалга оширилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Умаровга юклатилсин.

Вилоят ҳокими

М.Эсонов

2.4.Мехнатни муҳофаза қилиш масалалари

а) Хаёт фаолияти хавфсизлигининг назарий асослари

“Хаёт–фаолияти хавфсизлиги” илмий фан бўлиб, хавфлар ва улардан ҳимояланишни ўрганади. Уни ўрганишнинг предмети фаолият (мехнат) нинг бир томонидир, ёки айнан хавфлар ва улардан ҳимояланишдир.

Хаёт–фаолияти хавфсизлиги фанининг мақсади ишлаб чиқариш ва фавқулодда ҳолатларда хавфсизликни таъминлаш ва яхши иш шароитларини яратиш учун инсонларни назарий ва амалий жиҳатидан тайёрлаши, ҳамда экстремал вазиятларда қандай ҳаракат қилишни ўрганишдан иборатдир.

Хавф – хаёт – фаолият хавфсизлигининг марказий тушунчаси бўлиб, у ходиса жараён ва объектларнинг инсон соғлигига тўғридан тўғри ёки билвосита маълум шароитда қай даражада зарар етказиш қобилиятини кўрсатади, яъни кўнгилсиз оқибатларни олиб келади.Хавфсизлик – бу фаолиятнинг ҳолати бўлиб, маълум эҳтимолликда хавфларнинг келиб чиқишини бартараф қилишдир.

Хавфсизлик бу инсонлар олдида қўйилган мақсаддир. Хаёт фаолияти хавф-сизлиги эса мақсадга эришишнинг восита, йўл ва усуллари дир.

б) Фуқоро муҳофазаси

Ўзбекистон республикаси Президентининг 1996 йил 4 мартдаги фармонида кўра Республикамиз ҳудудида юзага келиши эҳтимоли бўлган табиий ва техноген турдаги фавқулодда вазиятларни олдини олиш, уларни прогнозлаш ва юз берган ҳолда уларнинг оқибатларини зудлик билан тугатиш ишларини ташкил қилиш учун мустақил давлатлар ҳамкорлиги ичида Ўзбекистон фавқулодда вазиятлар вазирлиги биринчилардан бўлиб ташкил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисида 20 август 1999 йилда қабул қилинган “Аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”, 2000 йил 31 августдаги “Фуқоро муҳофазаси тўғрисида”, “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида” ги қонунлар босқичма – босқич қабул қилинди.

Фуқоро муҳофазаси борасида илк бор қабул қилинган ва кучга кирган конун аҳолини ва ҳудудларини турли хилдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш борасида асосий тушунчалар, ҳукумат ваколатлари, фуқороларни ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳалокатли вазиятларни бартараф этишга қаратилган ҳаракатлари тўғрисида маълумот беради.

Вазирлар Маҳкамасининг 27 октябрь 1998 йилдаги №455 қарорига кўра Республикамиз ҳудудида қуйидаги фавқулодда вазиятлар содир бўлиши мумкин: техноген вазиятлар, табиий ҳалокатлар, экологик ҳалокатлар.

Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг асосий моҳияти қуйидагилардан иборат.

1. Фавқулодда вазиятлар олдини олиш ва аҳолини огоҳлантириш.
2. Фавқулодда вазиятлардан кўриладиган талофатларни камайитириш.
3. Фавқулодда вазиятларни енгиллатиш ва шароитни баҳолаш.
4. Фавқулодда вазиятларни тугатишни ташкил этиш.

Аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза этишга тайёрлаш қуйидаги асосий масалаларни ҳал этишни тақозо қилади:

1. Аҳолининг барча қатламлари (мактаб ўқитувчисидан тортиб қарияларгача, ҳар бир киши) яшаб, ишлаб (ўқиб) турган жойида қандай фавқулодда вазиятлар вужудга келиши мумкинлигини, уларнинг тавсифини, аҳоли ва ҳудудга таъсирини билиши керак.

2. Ҳар бир киши эҳтимоли тутилган ҳар қандай фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиш қоидаларини билиши керак.

3. Ҳар бир киши юз бериши эҳтимоли бўлган фавқулодда вазиятлардан ҳимояланиш йўллари, усуллари ва воситаларини билиши ҳамда улардан фойдалана олишлари керак.

4. Ҳар киши (ўзига ўзи ва бир–бирига) биринчи ёрдам беришни билиши ва ёрдам бериши керак.

Фуқоро муҳофазасида муҳандислик–техникавий тадбирлари

меъёрларининг талаблари қуйидагиларга қаратилган бўлади: аҳолини муҳофаза қилиш, тинчлик даврида содир бўладиган фавқулодда вазиятлар зарарини камайтириш, тинчлик пайтида ва ҳарбий даврда халқ хўжалик объектлари, бирлашмалар, халқ хўжалиги тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш, табиий офат содир бўлган зоналарда қутқариш ишлари амалга ошириш учун зарур шароит яратиш. Халқ хўжалиги тармоқлари ва объектларида фуқоро муҳофазаси муҳандислик техникавий тадбирларни лойиҳалаш ушбу меъёрий талабларга ҳамда вазирликлар, идоралар Давлат қўмиталари, Ўздавлатархитектура қурилиш, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишиб ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Халқ хўжалиги объектларини жойлаштиришга қўйиладиган талаблардан бири шуки сув босиши мумкин бўлган ҳудудда жойлаштирмаслик керак.

в) Ёнғин хавфсизлиги

Ёнғин – махсус манбаада бўлмаган ва моддий зарар келтирувчи назоратсиз ёнишдир. Ёнғинга қуйидагилар сабаб бўлади: иситиш печларини қуриш ёки ишлатиш қоидаларининг бузилиши, ишлаб чиқаришда ёки уйда оловни эҳтиётсизлик билан ишлатиш, керосинда ишлайдиган ёритиш ёки қиздириш асбобларини нотўғри ўрнатиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, яшин ёки статик электр разрядлар, машиналар ва ишлаб чиқариш жиҳозларининг носозлиги ҳамда уларни ишлатиш қоидаларига риоя қилмаслик (ички ёнув двигателларидан чиқадиган учқунлар, электр қурилмаларидаги қисқа туташувлар ёки уларнинг ерга уланиб қолиши, электр симларида нагрузканинг йўл қўйилмайдиган даражада ортиб кетиши, контактлари ёмон бўлган жойларнинг қизиб кетиши ва улардан учқун чиқиши. Буғ қозонларининг портлаши); қишлоқ хўжадик маҳсулотларининг ёки ёқилғининг ўз–ўзидан ёниб кетиши. Ёнғиннинг олдини олиш тадбирлари: ташкилий (кўнгилли ўт

ўчирувчи дружиналари ёки ёнғиндан муҳофазалаш дружиналари тузиш омма орасида тушунтириш ишлари олиб бориш) техникавий тадбирларга қуйидагилар: ёнғин ёки портлаш жихатидан хавфли хоналарга алоҳида конструкцияли электр жихозлар ўрнатиш, носос печлар, машиналар, электр жихозлардан, шунингдек осон алангаланадиган суюқликлар сақланадиган ёки ишлатиладиган жойларда оловдан фойдаланишни таъқиқлаб қўйиш, яшин қайтаргичлар ўрнатиш, чиққан ёнғиннинг тарқалишига йўл қўймаслик чораларини кўриш (объектларни ўтга чидамли материаллардан қуриш, бинолар орасидаги ёнғинга қарши ораликларга риоя қилиш), ёнаётган бинолардан одамлар, ҳайвонлар ва қимматбаҳо хўжалик буюмларини кўриш (керакли микдорда эшиклар, зарур кенгликда коридор (йўлак) лар қуриш, уларни тўсиб қўйишни ман этиш), ёнғинни ўчиришни осонлаштирадиган тадбирларни кў-риш (ёнғинни ўчириш, нарвонлар, ёнғин кузатиш вишкалари, сув хавзалари ва би-ноларга келиш йўллари қуриш, ёнғин алоқаси ҳамда сигнализациясини ўрнатиш).

г) Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш

г) Шикастланганларга биричи ёрдам кўрсатишдан олдин қуйидаги ишларни бажариш лозим:

- жароҳатланиш сабабларини йўқотиш (жароҳатланувчини газлар, заҳарлар тўлган хонадан олиб чиқиш) электр симини олиш (электр токи урганда; жароҳатланувчининг аҳволини ёмонлашадиган барча нарсаларни йўқотиш (жароҳатланувчи устидан юкни, девор парчаларини олиш, хонадан ёки ёнаётган жойдан олиб чиқиш);

- жароҳатланувчининг умумий аҳволини аниқлаш ва биринчи навбатда одам ҳаёти ва саломатлигига энг кўп хавф туғдираётган нарсани йўқотиш (артериялар кесилганда қон оқишини тўхтатиш, нафас олиш тўхтаб қолган ва юрак фаолияти бузилган бўлса, сунъий нафас олдиришни ёки юракни уқалашни бошлаш ва ҳ.к.);

- агар беморга хавф туғилмайдиган бўлса, биринчи тиббий ёрдам кўрсатишда уни қўзғатмаслик;

- хушидан кетганда ташклаб кетмаслик;

- биринчи ёрдам кўрсатиш учун жароҳатланганнинг кийимини ечишда ёки яраланган жойидаги кийимини қирқишда жуда эҳтиёт бўлиш зарур; Тананинг бирор жойи кесилганда ёки суяклари очик синганда артериядан, венадан капилярлардан қон оқиши мумкин. Оёқ - қўллардан қон оққанда резина боғлам ёки қўлда бор нарсалардан - тасма, газлама парчаси ёки бошқалардан бурама боғлам қўйган яхши.

Қориннинг устки қисми шикастланганда одатдаги боғламни қўйиш мумкин. Қорин бўшлиғининг ичи шикастланганда бемор санитария замбилига чалқанчасига ётқизилади, тиззалари бироз букилади. Очик жароҳатларни усти стерилланган сочиқ билан ёпиб қўйилади.

Агар одам электр токи таъсирига тушиб қолган бўлса уни токли қисмдан ажратиш зарур. Бунда электр қурилмани рубильникдан учиритиш ёки включательдан узиш, симни қирқиб ташлаш, жабрланувчини кийимидан тортиб токли қисм-лардан ажратиш, қуруқ таёқ ёрдамида симни олиб ташлаш лозим. Жабрланувчини токли қисмлардан ажратишда эҳтиёт чорасини кўриш керак, чунки ёрдам кўрсатаётган кишининг ўзини ток уриши мумкин. Жабрланувчи токдан ажратилгандан кейин бирор тўшама устига ётқизилади, кийим тугмалари, камари ечилади ва тоза хаводан нафас олдирилади, новшадил спирти ҳидлатилади, бетига совуқ сув сепилади, бадани ишқаланади ва иситилади.

Агар жабрланувчининг нафас олиши тўхтаган бўлса у қийналиб нафас олаётган бўлса унга сунъий нафас олдирилади ва юраги уқаланади. Сунъий нафас олдириш бемор ўзига келгунича давом эттирилади. Нафас олиш бир меъёрга келгач нафас олдириш тўхтатилади.

3-БОБ ЛОЙИҲАНИ ИҚТИСОДИЙ ВА ЭКОЛОГИК АСОСЛАШ

3.1. Ер ажратиш натижасида қишлоқ хўжалиги кўрадиган зарар миқдорини аниқлаш

Ноқишлоқ хўжалик корхоналарини жойлаштириш натижасида қишлоқ хўжалик ерларини олиш келтириб чиқарадиган қишлоқ хўжалик зарарлари, янги ерларни ўзлаштириш баҳоси ҳажмида қопланиши керак.

Янги ерларни ўзлаштириш деганда қуйидаги тадбирлар мажмуасини бажариш тушунилади:

- янги хўжаликларни ташкил қилиш;
- қишлоқ хўжалигида фойдаланишга ноқишлоқ хўжалик ер турларини (бутазорлар, кам қимматли ўрмонлар, кесилган ўрмонлар ва бошқ.) киритиш;
- мелиорация ишларини ўтказиш.

Янги ерларни ўзлаштириш баҳосининг миқдори ўзлаштириладиган ерларда, олинадиган участкаларда етиштириладиганидан кам бўлмаган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни таъминлайдиган меъёрлар бўйича аниқланади.

Зарарларни қоплаш ва янги ерларни ўзлаштириш баҳолари меъёрлари давлат томонидан белгиланади.

Ер турлари сифатининг ёмонлашиши келтириб чиқарадиган зарарлар қишлоқ хўжалик ерлари сифатининг пасайишига пропорционал тарзда, янги ерларни ўзлаштириш баҳолари меъёридан фоиз ҳисобида аниқланади. Меъёрлар шундай ҳисоб билан тузилиши керакки, бунда унумдор ерларни олиш жудаям қиммат, энг арзони — ноқишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш бўлсин. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг энг кам зарарини келтириб чиқарувчи жойлаштириш ечими яхши ҳисобланади.

Ичимлик суви йўли қурилишига ер ажратиш лойиҳасини иқтисодий асослашда қишлоқ хўжалиги кўрадиган зарар миқдори қуйидаги омилларни ҳисоблаган ҳолда аниқланади: қурилиш ишлари олиб борилишидаги экинзорларни ҳосилини йўқотиш ёки пайхон бўлишидан кўриладиган зарар. (қурилиш жараёнида оғир техникаларнинг қурилиш

атрофидан юриши натижасида экинлар пайхон бўлади, тупроқ зичлашуви юзага келади, экинларнинг ҳосилдорлиги камайиши ҳисобига олинади).

Ичимлик суви йўли қурилишлари атрофидаги экинларга ишлов беришда ортиқча меҳнат вақтини, уруғни, ёқилғи мойлаш материалларини, ўғитларни сарфлаш ҳисобига кўриладиган зарар қиймати.

Ичимлик суви йўли тармоқларига ер ажратиш сабабли майдонда етиштириш мумкин бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулоти қийматига тенг 5 йиллик ўртача ҳосилнинг амалдаги харид нархини ҳисобга олган ҳолда қуйидагича аниқлаш мумкин.

$$П_з = M \times X \times X_n$$

Бу ерда: $П_з$ - ер ажратиш сабабли экин майдонидан кўриладиган зарар миқдори, минг сўм;

Бу ерда: M - экин майдони, га

X - охириги беш йилдаги ўртача ҳосилдорлик, ц/га;

X_n - ер ажратиш давридаги бир центнер ҳосилнинг харид нархи, минг сўм.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши кўрадиган зарар миқдори ҳисоби қуйидаги жадвалда келтирилган.

Қишлоқ хўжалиги кўрадиган зарар миқдори қуйида ҳисобланган жадвалдаги маълумотларни 4 йилда олинadиган маҳсулотлар қийматига кўпайтириб топиш мумкин. Унга кўра 1 ечимда вақтинчалик фойдаланиладиган ерлар учун $1976,4 \times 4 \text{ йил} = 7905,6$ минг сўм, доимий фойдаланиладиган ерлар учун $329,4 \times 4 = 1317,6$ минг сўмни ташкил қилади. 2 ечимда вақтинчалик фойдаланиладиган ерлар учун $3465,8 \times 4 \text{ йил} = 13863,2$ минг сўм, доимий фойдаланиладиган ерлар учун $1230,8 \times 4 = 4923,2$ минг сўмни ташкил қилади.

Бу усулда йўқотиш зарарларини аниқлаш ечимларини солиштиришда ҳеч қандай аниқ бир ифодани кўрсатмайди. Буни шундай тушунтириш мумкинки, ҳайдалма ерларни айланиб ўтиш эвазига ортиқча алоқа тармоқларини қуриш, қишлоқ хўжалигидан ажратиб берилган ҳар бир гектар экинлар ҳисобига кўрадиган зарарлари ва йўқотишларини аниқлаш усули аввалги йилга маҳсулот миқдорига тенг миқдорда маҳсулот

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши кўрадиган зарар миқдори ҳисоби

Ердан фойдала- нувчилар номи	Бонитет балли	Вақтин- ча фой- даланиш- га ажра- тилган майдон, га	доимий фойда- ланиш- даги ерлар, га	1 га су- ғорила- диган ернинг ўзлаштир иш баҳоси, сўм	жойла шиш коэф- фици- енти	Умумий баҳоси	
						вақтин- чалик	дои- мий
1 –ечим бўйича							
«Варахшо» массиви	54	8,16	1,36	208,8	1,16	1976,4	329,4
2 –ечим бўйича							
«Варахшо» массиви	56	14,08	5,0	212,2	1,16	3465,8	1230,8

етиштириш учун янги ерларни ўзлаштиришга кетган, ўсиб бораётган сарф харажатларни алоқа тармоқларини атрофидан ўтиш учун кетган ортиқча ишлов бериш ҳажмини ортиши вақт сарфи, ўғитлашда ва механизмларни тез етказиб бериш, техника хавфсизлигига кўра суғориш ишларини олиб бориш ва бошқа турдаги ишлов беришлар билан чегараланади.

3.2. Ер ажратиш натижаларида ердан фойдаланувчилар кўрадиган зарарлар турларини ва миқдорини аниқлаш

«Варахшо»массиви ҳудудидан ўтувчи ичимлик суви тармоғи қурилиши учун ер ажратиш жараёнида ердан фойдаланувчиларнинг ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланувчиларини жойлаштириш келтириб чиқарадиган зарарлари объектни жойлаштиришнинг ҳар бир ечими бўйича аниқланади. Уларга ажратилган майдон аниқлангандан кейин хўжаликлар кўрган зарарлари аниқланади.

Улар тўла ҳажмда бузилган ишлаб чиқаришни тиклаш учун зарур

давр ҳисобига йўқотилган фойдани ҳам қўшиб қопланиши керак.

Маблағни зарар кўрган ердан фойдаланувчилар олишади.

Ерларни сотиб олишда ер эгаликларининг зарарлари, уларнинг тўла қиймати миқдорида қопланади. Қуйидагиларнинг баҳолари қопланиши керак:

- уй-жой бинолари, маданий-маиший мақсадларга мўлжалланган объектлар, ишлаб чиқариш ва бошқа бино ва иншоотлар ёки уларни янги жойга кўчириш бўйича харажатлар;

- мева-резавор, ҳимоя ва бошқа дарахтлар;

- тугалланмаган ишлаб чиқариш;

- ердан фойдаланишдаги ноқулайликлардан (камчиликлардан) келиб чиқадиган харажатлар;

- ерларнинг ёмонлашган сифатини тиклаш учун зарур харажатлар;

- ердан фойдаланувчи ҳуқуқларининг чекланиши билан боғлиқ харажатлар;

бой берилган фойда.

Бинолар ва иншоотлар - тенг сифатли янги объектларни қуришнинг смета баҳоси бўйича; дарахтлар - кўчатлар ва уларни ўтқазиш ва мевалаш ёки шохлари туташа бошлагунча парваришlash баҳоси бўйича, тугалланмаган ишлаб чиқариш - ҳақиқий бажарилган ишлар ҳажми ва

харажатлар миқдори бўйича баҳоланади;

Ёмонлашган ерларни сифатини тиклаш бўйича зарарлар лойиҳа ҳужжатларидан келиб чиқиб аниқланади ва ўз ичига махсус изланишлар ва қидирувлар, ҳамда ернинг сифатини тиклаш бўйича тадбирлар қийматини олади.

Ҳар йилги даромад ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми бўйича натурал кўрсаткичларда ва ерларни олиш вақтидаги ҳаракатдаги баҳоларда ҳисобланади.

Ҳисобланган зарарлар ва харажатлар манфаатдор томонлар билан келишилади, келиб чиққан тортишувлар судда ечилади.

Ердан фойдаланувчилар кўрадиган зарар миқдори

Т.р	Ердан фойдаланувчилар	Экин турлари	Майдони га	Ҳосилдорлиги, ц/га	Ялпи маҳсулот, тонна	Сотиладиган маҳсулот, тонна	Зарар миқдори, минг сўм
1-ечим							
	«Варахшо» массиви	Пахта	0,75	25	1,88	1,88	940
		Буғдой	0,04	12	0,05	0,05	10
	жами		0,79				950
2-ечим							
	«Варахшо» массиви	Пахта	2,82	25	7,05	7,05	3525
		Буғдой	1,44	12	1,73	1,73	346
	жами						3871

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадики 1-ечимда қишлоқ хўжалиги кўрадиган зарар миқдори 950 минг сўмни, 2-ечимда эса 3871 минг сўмни ташкил қилмоқда

3.3. Лойиҳанинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари

«Варахшо» массиви ҳудудидан ўтувчи Ичимлик суви йўли қурилиши учун ер ажратиш лойиҳасини ишлаш натижасида қуйидаги иқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланади.

1. Капитал харажатлар.
2. Йиллик ишлаб чиқариш харажатлари.
3. Келтирилган харажатлар

Капитал харажатлар ҳажми лойиҳаланаётган ичимлик суви тармоқларини узунлигига ва қувурларнинг сифати нахига сонига боғлиқ ҳолда аниқланади.

Қуйидаги 20-жадвалда капитал харажатлар миқдорини аниқлаш келтирилган.

Ичимлик суви тармоқари қурилиши учун капитал харажатлар миқдори
ҳисоби

Т.р	Кўрсаткичлар	ўлчов бирлиги	ҳажми	ўлчов бирлиги қиймати минг сўм	жами харажатлар минг сўм
I – ечим					
1	Қувурлар қуриш	км	3,4	10000	34000
2	ГРП лар қуриш	дона	3	1000	3000
	жами				37000
II – ечим					
1	Қувурлар қуриш	км	4,4	10000	44000
2	ГРП лар қуриш	дона	3	1000	3000
3	Қувурлар қуриш	дона	2	500	1000
	жами				48000

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики I – ечим бўйича капитал харажатлар ҳажми 37 млн сўмни, II – ечим бўйича 48 млн сўмни ташкил қилмоқда.

Йиллик ишлаб чиқариш харажатлари қуйидаги ифода орқали аниқланади.

$$\dot{Y}_x = A + \Xi$$

Бу ерда: A -амортизация ажратмаси, Ξ -эксплуатация харажатлари.

Амортизация ажратмаси капитал харажатлардан 3 % ва эксплуатация харажатлари капитал харажатлардан 5 % миқдорида олинади.

1 –ечимда амортизация ажратмаси 11,1 млн сўм, эксплуатация харажатлари 18,5 млн сўмни, 2-ечимда эса амортизация ажратмаси 14,4 млн сўм, эксплуатация харажатлари 24 млн сўмни ташкил қилмоқда.

$$1\text{-ечимда йиллик харажатлар: } \dot{Y}_1 = 11,1 + 18,5 = 29,6 \text{ млн сўм}$$

$$2\text{-ечимда йиллик харажатлар: } \dot{Y}_1 = 14,4 + 24 = 38,4 \text{ млн сўм}$$

Ишлаб чиқариш харажатларини аниқлаганимиздан сўнг келтирилган харажатларни аниқлаймиз. Келтирилган харажатлар қуйидаги ифода орқали аниқланади.

$$П_i = C_i + K_i \times E_n$$

Бу ерда: $П_i$ - келтирилган харажатлар, C_i - йиллик ишлаб чиқариш харажатлари, K_i - капитал харажатлар, E_n - капитал харажатлар самарадорлиги коэффиценти.

$$П_1 = 29,6 + 370 \times 0,15 = 85,1 \text{ млн сўм}$$

$$П_2 = 38,4 + 480 \times 0,15 = 110,4 \text{ млн сўм}$$

1-ечимда келтирилган харажатлар 85,1 млн сўмни, 2-ечимда эса келтирилган харажатлар 110,4 млн сўмни ташкил қилмоқда.

21-жадвал

Лойиҳанинг техник - иқтисодий кўрсаткичлари жадвали

Т.р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	миқдори		фарқи
			I - ечим	II- ечим	
1	Ичимлик суви йўли учун ажратиладиган ер майдони	га	8,16	14,08	-5,92
	вақтинча фойдаланишга	га	1,36	5,0	-3,64
	Доимий фойдаланишга	га	0,75	2,82	-2,07
	шу жумладан:	га	0,04	1,44	1,40
	суғориладиган ҳайдалма ер	га			
	лалми ҳайдалма ер	га			
	томорқа ерлар	га	0,50	0,50	-
	бошқа ерлар	га	0,07	0,24	-0,17
2	Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши кўрадиган зарар миқдори	минг сўм			
	доимий фойдаланиш учун ажратилган ердан		329,4	1230,8	-901,4
	вақтинча фойдаланиш учун				

	ажратилган ердан		1976,4	3465,8	-1489,4
3	Ердан фойдаланувчилар кўрадиган зарар	минг сўм	950	3871	-2921
3	Капитал харажатлар миқдори	млн сўм	370	480	-110
4	Ишлаб чиқариш харажатлари миқдори	млн сўм	29,6	38,4	-8,8
	а) амортизация ажратмаси	млн сўм	11,1	14,4	-3,3
	б) эксплуатация харажатлари	млн сўм	18,5	24	-5,5
5	Келтирилган харажатлар миқдори	млн сўм	85,1	110,4	-25,3

3.4. Лойиҳавий тадбирларни экологик асослаш

Ернинг ишлаб чиқариш жараёнида сифати яхшиланиши ёки пасайиши мумкин, агар ундан нотўғри фойдаланилса, умуман фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиши ҳам мумкин. У ҳўжасизларча тақсимланишдан ва фойдаланишдан, бузилишдан, ифлосланишдан ва бошқа унинг ва у билан боғлиқ табиий ресурсларнинг сифатини ёмонлаштирадиган салбий таъсирлардан муҳофаза қилиниши керак. Барча ер фондлари, ер эгаликлари, ердан фойдаланишлар, участкалар ҳимоя қилиниши керак. Биринчи навбатда қуйидагилар ҳимояланиши керак:

ерларнинг унумдорлиги ва қишлоқ ҳўжалигида маҳсулдорлиги;

қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа ўзига хос мақсадлар учун яроқли ерлар турлари;

участкаларнинг, ер турларининг, ер эгаликлари, ердан фойдаланишларнинг кенглик хусусиятлари (майдони ва шакллари) қисқаришдан, парчаланишдан, шакли ёмонлашишидан;

экологик мувозанат (ернинг бошқа табиий омиллар билан ўзаро таъсири).

Оқибати номаълум бўлган ва илмий асосланмаган ҳаракатларга йўл қўймаслик керак, сабаби бунда зарар миқдори жуда катта бўлиши мумкин.

Ер тузишни лойихалаш жараёнида ерни, атрофдаги табиий муҳитни муҳофаза қилиш талаблари қуйидаги сабаблар бўйича бузилиши мумкин:

лойихачиларнинг нотўғри ечимлари;

барча зарур тадбирлар ҳисобга олинмаганда, лойиха таркибидаги хатоликлар;

лойихалашнинг илмий асосланган услубиятига, меъёрларига ва қоидаларига риоя қилинмаганда.

Ерни муҳофаза қилиш ҳар хил йўллар билан ва ҳар хил босқичларда - лойиха олди, лойихалаш ва бевосита фойдаланиш жараёнида амалга оширилиши мумкин. Ҳар қандай экологик тадбирлар ердан фойдаланишни ва уни муҳофаза қилишни оқилона, илмий асосланган ташкил этишга асосланади. Шунинг учун хўжаликлараро ер тузиш нафақат ерни, балки бутун атроф муҳитни ҳам муҳофаза қилишнинг биринчи ва асосий элементи деб ҳисобланиши мумкин.

Ерларни муҳофаза қилиш - бу ерларни сақлашга, тиклашга ва ҳолатини яхшилашга; ер ресурсларидан нооқилона, асосланмаган фойдаланиш ва сарфлашларнинг, қишлоқ хўжалик ерларининг унумдорлиги пасайишининг ва майдони камайишининг олдини олишга қаратилган ташкилий-худудий, ташкилий-хўжалик, ҳуқуқий, иқтисодий, техник ва бошқа тадбирлар тизимидир.

Ерни ва атроф муҳитни муҳофаза этиш ер тузиш лойиҳасининг ёки чизмасининг барча таркибий қисмларига асосий вазифалардан бири сифатида киритилиши керак.

Хўжаликлараро ер тузиш чизмаларини ва лойиҳаларини ишлашда ерларни ва атрофдаги табиий муҳитни муҳофаза қилиш бу вазифанинг мазмунига мос махсус ишлар билан амалга оширилади. Уларга қуйидагилар киради:

ердан фойдаланишларни ташкил этишда, яъни, уларни жойлаштиришда, ўлчамларини, чегараларини, инфратизимларни ва ш.ў. ер

ресурсларини ва атрофдаги табиий муҳитни ишончли муҳофаза қилишни таъминловчи белгилаш, барча талабларга ва шартларга риоя қилиш;

қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудида ерларни ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар (ташкилий-худудий, таркилий-хўжалик ва бошқ.) тизимини лойиҳалаш;

ҳимояланадиган ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлар участкаларини, минтақаларини, полосаларини ҳудудларини ажратиш ва улар ичида ва атрофдаги ерларда ерлардан оқилона фойдаланиш бўйича тадбирларни ишлаш. Бу ҳаракатларга мустақил характердаги ер тузиш турларидан бири сифатида қараш мумкин.

Хўжаликлараро ер тузиш масалаларини ечишда, яъни, ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлар ўлчамларини, уларнинг ички тузулишини, ер массивларининг жойлашини, чегараларини, аҳоли пунктлариини белгилашда атроф муҳитга таъсир этадиган барча шароитлар ва омиллар ҳисобга олиниши керак. Лойиҳада қилинган тавсиялар қуйидагиларни таъминлаши керак:

ерларнинг маҳсулдорлигини ва сифатини сақлашни;

ҳар бир ердан фойдаланишни ўраб турган ҳудудда ер ва табиий ресурсларни муҳофаза қилишни;

ҳудудни, атмосферани ва сув манбааларини ишлаб чиқариш ва бошқа объектлар чиқиндилари билан ифлосланишдан ҳимоя қилишни;

ерларни шамол ва сув эрозияларидан ҳимоялашни;

суғориладиган ва мелиорацияланган ерларни ҳимоялашни;

ерларни шўрланишдан ва ш.ў. ҳимоялашни.

Ердан фойдаланишларни, уларнинг тизимларини лойиҳалашда кейинчалик ерларни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича хўжаликларда ички чегараларни лойиҳалашни таъминловчи тадбирлар белгиланиши ва шароитлар яратилиши керак, шу жумладан:

ердан тўла ва самарали фойдаланишни таъминловчи ердан фойдаланишларнинг оқилона ўлчамлари ва жойлашиши, улардаги ер турларининг нисбати;

хўжаликлар чегараларини тупроқ эрозиясига ва бошқа салбий таъсирларга қарши кураш талабларидан келиб чиққан ҳолда ўтказиш;

суғориладиган ерларни самарали фойдаланишга имкон яратадиган, шўрланиш, эрозия ва бошқа салбий оқибатларга олиб келмайдиган қилиб жойлаштириш;

хўжалик марказлари, чорвачилик фермалари ва саноат корхоналарини сув манбаларига, ҳосилдор ерларга ва муҳофаза қилинадиган ҳудудларга нисбатан уларнинг ифлосланишига йўл қўймайдиган қилиб жойлаштириш;

хўжалик ҳудудида оқова сувлар оқизилиб суғориладиган махсус далаларни аҳоли пунктлари ва чорвачилик фермаларидан чиқадиган оқова сувларни тозалаш мақсадида тўғри жойлаштириш;

нафақат қишлоқ хўжалиги корхонаси ҳудудида, балки улар атрофидаги ерларда ҳам экологик мувозанатни сақлаш ва табиатни муҳофаза қилиш учун зарур шароитлар яратиш;

ишлаб чиқариш манфаатлари учун экологик мувозанатни бузмасдан ерларни ўзлаштириш ва трансформациялаш;

ҳудудни хўжаликлараро ташкил этишни экологик асослаш.

Ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларини ташкил этишда ерларни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ўзига хос катта хусусиятларга эга.

Ер тузиш ноқишлоқ хўжалик объектларини жойлаштириш билан шуғулланмайди; шунга қарамасдан ҳар қандай мақсадлар учун бериладиган ер участкаларининг майдони, шакли, жойлашиши, ҳамда бу участкалардаги ердан фойдаланувчиларнинг ва уларнинг бошқа ердан фойдаланувчиларга нисбатан ҳуқуқлари ва мажбуриятлари - ер тузишнинг элементиدير. Шундай қилиб, объектнинг якуний жойлашиши ер тузиш натижасида аниқланади. Лойиҳа маъмурий органлар томонидан

тасдиқланади ва у фақат малакали ҳамда асосланган тарзда ишлангандагина барча зарур ерларни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини назарда тутиш имкониятига эга бўлади. Бу масала юқорида баён этилган усуллар билан амалга оширилади, бунда:

ер участкаси, объектнинг тавсифини ва унинг атрофдаги ҳудудга ва табиий муҳитга таъсирини ҳисобга олиб, жойлаштирилади;

ерларни умуман тежаш ва айниқса ер турлари маҳсулдорлигини сақлаш асосий вазифалардан бири сифатида таъминланади;

лойиҳанинг таркибий қисмларининг бири сифатида атроф муҳитни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, уларнинг нооқилона фойдаланилишининг, ифлосланишининг, сифати ёмонлашишининг олдини олиш бўйича тадбирларни ўз ичига оладиган ерларни бериш шартлари ишланади.

Хулоса

Битирув малакавий ишининг мазмуни Бухоро вилояти Жондор туманидаги «Варахшо» массиви ҳудудидан ўтувчи ичимлик суви йўли қурилиши учун ер ажратишдан иборат бўлади.

Ер ушбу йўналишда ерлар доимий фойдаланиш учун ажратилади. Битирув малакавий иши хўжаликлараро ер тузиш лойиҳаси услубияти асосида бажарилди.

Ичимлик суви йўли қурилиши учун ер ажратиш лойиҳаси икки ечимда ишланди, яъни амалиёт даврида йиғилган материаллар асосида ичимлик суви тармоғи узунликлари қуйидагича:

I – ечим бўйича 3,4 км Ичимлик суви тармоғи қурилиши режалаштирилди.

II – ечим бўйича 4,4 км Ичимлик суви тармоғи қурилиши режалаштирилди. Биз лойиҳамизда 1 ечимни асосий ечим деб танладик чунки капитал харажатлар ва келтирилган харажатлар ҳажми кам. I ечимда капитал харажатлар ҳажми 370 млн сўмни, келтирилган харажатлар 85,1 млн сўмни ташкил қилмоқда, 2 ечимда эса капитал харажатлар 480 млн сўмни, келтирилган харажатлар 110,4 млн сўмни ташкил қилмоқда. Ичимлик суви йўли қурилиши учун доимий ажратиладиган ер майдони 1-ечимда 1,36 гектарни, 2-ечимда эса 5,0 гектарни ташкил қилмоқда. Шунинг учун ҳам биз 1 ечимни асосий лойиҳа ечими деб танладик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси” Т.: Ўзбекистон, 1992
2. И.А.Каримов, “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”, Т.: Ўзбекистон, 1995
3. И.А.Каримов, “Ўзбекистон XXI бўсағасида”, Т. Ўзбекистон 1997
4. И.А.Каримов, “Ўзбекистон буюк келажак сари”, Т. Узбекистон, 1998
5. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т. Узбекистон, 2009
6. И.А.Каримов. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг устивор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Т.: Узбекистон, 2011
7. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”. Т. Ўзбекистон, 1997
8. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами (I ва II қисмлар), Т.: Шарқ, 1998
9. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Давлат ер кадастри тўғрисида». Т:1998
- 10.Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами (I ва II қисмлар), Т. Шарқ, 1998
- 11.Авезбаев С., Волков С.Н. «Ер тузишни лойиҳалаш» Т.: Янги аср авлоди,2004
- 12.Авезбаев С., Волков С.Н. «Ер тузиш иқтисоди». Т.: Янги аср авлоди, 2002
- 13.Бобожонов А.Р., Рахмонов Қ.Р, Ғофиров А.Ж. «Ер кадастри» Т.: ТИМИ, 2008.
- 14.Авезбаев С., Волков С.Н. « Ер тузишнинг илмий асослари» Т Янги аср авлоди, 2002

15. Ер муносабатларини тартибга солишга доир меъёрий хужжатлар туплами, 1-2 том, Т.:1997
16. М.Рустамбоев ва бошқ. “Ер ҳукуки”. Дарслик. Т.: Тошкент Юридик институти, 2002
17. Ер тузишда иқтисодий математик моделлар ва усуллар. Шодмонова Г., Абдуллаев З. Ўқув қўлланма. Т: 2007
18. Қудратов О., Ғаниев Т. Фавқулудда вазиятларда фуқоро муҳофазаси. Т.: Янги аср авлоди, 2005
19. Ғойипов Ҳ.Э. Меҳнат муҳофазаси. Т.: Меҳнат, 2000
20. Юнусов М.Ю., Икромов Э.Ж. Фуқоро муҳофазаси доимий зарурият. Ўқув қўлланма. Т.: 2002
21. Землеустроительное проектирование – 2-е изд. (Учебник и учеб. Пособия для ВУЗов) www.ast.ru
22. Землеустроительное проектирование и организация землеустроительных работ. www.prom.kz
23. Управление земельных ресурсов и землеустройства. www.18.rosfirm.ru
24. Управление мониторинга земель, землеустройства и территориального планирования. www.kadastr.ru
25. Управление использованием земель сельскохозяйственного назначения в условиях. www.baseref.ru
26. www.Ziyonet.uz